Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 6 март, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 17 (6714)

Мухтарам оналар, опа-сингиллар!

Қадрли муаллималар, азиз тарбиячилар, бахт ва баҳор айёмингиз муборак бўлсин!

Эркаклар аёллар ҳақида

ЭР АЁЛИ ҲАҚИДА

Алиакбар МУСАЕВ,
Тошкент шаҳридаги 4-нон заводининг «Экмасан» цехи бошлиғи:

— Турмуш ўртоғим Раъно Бағбекова Акмал Икромов туманидаги 296-ўрта мактабда рус тили ва адабиёти фанидан дарс беради. Энди, гапнинг сирасини айтсам, аёл кишининг топгани нима ҳам бўларди? Эркакнинг этагида олиб келгани ҳам баракалидир, деган гап бор. Лекин мен хотинимнинг ўқитувчи бўлиб ишлашига умуман қарши эмасман. 700—800 сўм атрофида маош олади, ойлигингни нима қилаяпсан, деб сўрамайман ҳам. Мен учун муҳими унинг фарзандларимиз тарбияси билан машғуллигидир. Мактаб уйимизга бир қадам, ишлаб турса эрмак-да...

МУАЛЛИМ МУАЛЛИМА ҲАҚИДА

Ҳабижон ҚАМБАРОВ,
Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 42-мактабнинг фахрий ўқитувчиси:

— Ўқитувчи халқи болалар орасида, кўпроқ турли шовқин-тўполонлар ичида ишлагани учунми, негадир сал инжиқроқ бўлишади. Лекин ўқитувчилар оиласига ҳамма ҳавас билан қарайди.

Турмуш ўртоғим Раъногон Қурбонова билан 30 йилдирки, бир фандан — она тили ва адабиёти фанидан дарс бериб келамиз. Оилада эса тўғриси иш юзасидан кўп гапирилади. Баъзан арзимаган мавзуларда аразлашиб юрган пайтларимиз ҳам бўлади. Бироқ бари бир мен ўз турмушим, оилам билан юрак-юрагимдан фахрланаман. Яратгандан унга ҳамма қатори кучқувват беришини тилайман.

ЎҒИЛ ОНАСИ ҲАҚИДА

Отабек ОТАБОЕВ,
Ўзбек-турк ҳамкорлигидаги Тошкент ўғил болалар лицейи толиби:

— Менга илк бор қалам тутишни ўргатган, билим олиш ва яхшиликка ундаган инсон онам — Ражаббиби Сапаевадир. У киши Яккасарой туманидаги 127-мактабда ўқитувчилик қилдилар. Ҳозир онамнинг қанчадан-қанча шогирдлари олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Шогирдлари йўқлаб келишса, бошлари осмонга етади. Шундай пайтда бир ўй чулғайди мени. Ўзлари устоз бўла туриб, бироз бўлса-да улар меҳрга, эътиборга ташна бўлишар экан. Мен муаллиманинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман.

ЖУРНАЛИСТ РАФИҚАСИ ҲАҚИДА

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги масъул котиби:

— Рафиқам Баҳринисо Абдукаримова Чилонзор туманидаги 126-мактабда она тили ва адабиётидан дарс беради. Унинг ўқитувчилиги билан менинг соҳам қариб бирбирига яқин, иккинчидан, оилани тебратишда моддий жиҳатдан ёрдам беради, учинчидан ва энг асосийси, болаларимиз тарбиясига катта таъсир қилади, уларнинг маърифат, маданиятга назари бошқача шаклланади.

ДОМЛА ТУРМУШ ЎРТОҒИ ҲАҚИДА

Норсаид ОДИЛОВ,
ТошДПИ докторанти:

— Рафиқам Гулмеҳри Халилова Зангиота туман, 40-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Бошланғич синфда хотин-қизларнинг ўқитувчи бўлиб ишлаши мақсадга мувофиқ. Бу ёшдаги болаларга тарбия беришда ҳам руҳий, ҳам маънавий жиҳатдан уларга анча яқинроқ. Мусулмончиликда ҳам қиз бола 9, ўғил бола 12 ёшида вояга етган ҳисобланадиган бўлса, улар бу пайттача кўпроқ она эътиборида бўлишади. Бошланғич синф болаларининг ёши ҳам бунга мос келади.



ЎЗБЕГИМНИНГ ҚИЗЛАРИ

Келбати Барчинойдек, қоматлари келишган,
Чеҳрасидан нур балқиб, тўлин ойдек тўлишган,
Мустақил диёримнинг файзи, кўрки бўлишган,
Чунки Она-Ватанда бордир қутлуғ излари,
Юртга боққан кўзлари,
Ўзбегимнинг қизлари.

Орзулари кўп улкан, довруғ солиб жаҳона,
Фан сирларин эгаллаб яшамоқдир шоҳона.
Мақсад учун курашда изламас ҳеч баҳона,
Тўмарисга туташган аждоди-илдизлари,
Довюрак, мард ўзлари,
Ўзбегимнинг қизлари.

Нияти— холис дўстдан тутмай ўзин бегона,
Бул курраи заминда орттирмоқ кўп дугона.
Хулқ-одобу ҳаёда оламдадир ягона,
Суҳбат қуриб чақсангиз ҳар гапин мағизлари,
Маънога бой сўзлари,
Ўзбегимнинг қизлари.

Бугун ўлкамда шодлик, сиз учун улуғ байрам,
Табиат ҳам ясанган, гулга бурканган олам.
Норсубхон чин юракдан қутлар сизни ушбу дам,
Айёмингиз муборак, элим гул-наргизлари,
Шамс, қамар, юлдузлари—
Ўзбегимнинг қизлари.

Норсубхон ДЎСТЁРОВ,
Қашқадарё вилояти Давлат таълим стандартлари инспекциясининг етакчи эксперти.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов АҚШнинг хориждаги хусусий сармоялар бўйича корпорацияси президентининг биринчи ўринбосари Сюзан Левин хоним ҳамда савдо ва тараққиёт бўйича мустақил агентлиги минтақавий директори Данэл Стайнни қабул қилди.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди. Унга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков вазир этиб тайинланди.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков 4 март куни Японияннинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укэру Магосаки билан учрашди. Унда Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистонга 1 миллиард 400 млн. Япония иени миқдорида беғараз ёрдам кўрсатиши ҳақидаги ҳар икки мамлакат ҳукуматлари томонидан келишилган ноталар алмашилди.

⊛ Ўтган ҳафтанинг охирига келиб Россия Марказий сайлов комиссиясида 59 ташаббускор гуруҳлар ва бирлашмалар томонидан илгари сурилган 49 нафар президентликка номзодлар рўйхатдан ўтказилди. Собиқ СССРнинг собиқ экспрезиденти Михаил Горбачев ҳам номзодини ўзи учун одатий иш бўлган президентликка қўйиш нияти борлигини айтмоқда.

⊛ Тансу Чиллер хоним билан Месут Йилмазнинг ўзаро келишуви парламент сайловларидан сўнгги Туркия ҳукуматидаги тангликка нуқта қўйди. Улар раҳбарлик қилаётган Ватан ва Тўғри йўл партиялари мамлакатда коалицион ҳукумат тузишга келишиб олдилар. Шунга кўра, улар навбатма-навбат Бош вазирлик қиладилар. Бу лавозим курсисига биринчи бўлиб Йилмаз ўтиради.

⊛ «Ҳамас» террорчилар гуруҳи Иерусалимда яна бир автобусни портлатишди. 19 киши ўлди, 10 нафари яраланди. Гуруҳ раҳбари, бу Исроил махсус хизмати ходимлари томонидан ўлдирилган портловчи воситалар тайёрлайдиган Яҳё Аяш учун қасос, деди. Фалластин ҳукумати бошлиғи Ясир Арафат бу нафақат исроилликларга қарши, балки фалластинликларга, тинчлик битимлари тузиш жараёнига қарши кучли зарба бўлганлигини таъкидламоқда.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

БАҲОР ВА АЁЛ

Мана, баҳор олам узра сеп ёйиб, уз кўркини кўз-кўз қилмоқда. Майин ёмғир шивирларида, ўйноқи еллар нағмаларида, куртакларнинг ним табассумларида ажиб бир тароват, ажиб бир латофат бор.

Ана, илк абру найсонлар ювиб ўтган, илк чечаклар ифорига бурканган йўлак бўйлаб бир аёл хаёлчан-хаёлчан юриб келаётир. Оддий ва ораста либослари, бир даста китоб-дафтар тутган, бармоқларида сиёҳ юқи қоттан нозик қўллари бу аёлнинг кимлиғидан дарак бериб турибди. У — муаллима! Ўқитувчи аёл... Шу лаҳзада унга боққан кўзларда, у томон талпинган қўнгилларда бир савол силқиб чиқади: баҳор гўзалроқми ё шу аёл! Юраклар, хаёллар бир зум қиёсга берилади, бир зум баҳсга юз тутади.

Баҳор... У қанчалар гўзал бўлмасин, бироқ ўткинчидир! Тағин, биз фақатгина баҳорнинг сувратига қараб баҳо бера оламиз, холос. Ахир, унинг сийрати-чи?

Муаллима аёл... Унинг гўзаллиги боқийликка бўйлайди. Унинг муаллиманинг чеҳрасидаги чиройига қараб бир қувонсак, унинг сийратидаги сулувликдан минг бор яйраймиз. Йўқ, бу шунчаки баландпарвоз сўзлар, ҳавойи мақтовлар эмас! Бугунги долғали даврримиз, узгаришларга бой кунларимиз муаллима аёлга шу янглиғ таърифлар бериб турибди. Ишонмасангиз, далилларга боқинг, рақамларга эътибор беринг. Мустақил Узбекистонимизнинг мактабларида ёш авлодга илму маърифат тарқатаётган ўқитувчиларнинг қарийб 80 фоизини бугунги кунда мунис аёлларимиз ташкил этади. Ишонмасангиз, яқиндагина Қуқон шаҳрида бўлиб ўтган «Йил ўқитувчиси-95» кўрик-танловини эсланг. Унда ғолиблик тожини кийган, совринли ўринларни эгаллаган Гавҳаржон Ибодиллаева , Маҳфуза Раҳимова, Гулнора Шукурова каби муаллима аёлларимизнинг суврату сийратини яна бир карра кўз ўнгингизга келтиринг! Ахир, баҳор чин чиройни, чин латофату назокатни улардан ўрганса арзимасму?

Баҳор... Баҳор ҳақида шоирлар нечоғлик тўлиб-тошиб ашъорлар битмасин, бироқ унда Матонат гўзаллиги йўқдир.

Муаллима аёл... Матонатли аёл! У улкан масъулиятнинг улкан юкини ўзининг нозик елкаларига олган. Бола тарбиясидек, ёш авлодни маърифатли қилишдек инжиқ юмуш олдида, очиғини айтиш керак, унча-мунча эркаклар ҳам «дод» деб юборади. Бироқ муаллима аёл... Йўқ, у бирор олий ўқув юртида таҳсил олгачгина бундай улуғвор хислатларга эга бўлиб қолган эмас. Бундай улуғвор фазилатлар унинг табиатида бор. Аёл — туғма муаллимадир! У боласи бешиги устида алла айта туриб, узининг илк сабоғини бошлаган. Шунинг учун ҳам мактаб синфхоналарида қалдирғочдек тизилиб ўтирган ўқувчиларига боқиб ўз болаларини кўради, ўз фарзандига улашгандек меҳр-муҳаббат улушади.

Шу ўринда мамнуният билан қайд этиш керакки, ёш, мустақил юртимизнинг одил ҳукумати муаллима аёл меҳнатини, матонатини тез илғаб ола билди. Шунинг учун ҳам республикамизнинг «Дўстлик», «Шуҳрат», «Соғлом авлод учун» орден, нишонлари билан тақдирланган, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвонига сазовор бўлган юртдошларимиз орасида муаллима аёлларимиз жуда кўп. Шу ўринда тошкентлик Ольга Иброҳимова, жиззахлик Олтиной Фозилова, хоразмлик Бибижон Мираҳмедова, наманганлик Санобархон Азимова, самарқандлик Гулчеҳра Шукурова, сурхондарёлик Норой Норматова каби фидойи муаллима аёлларимизни эслаб ўтиш жоиздир.

Баҳор... Танти фасл! У аллақачонлар Аёлларнинг, Оналарнинг гўзаллигига, улуғлигига тан берган. Шунинг учун ҳам ўз ҳисобидаги илк байрамни Аёлларга тақдим этган. Ишонмасангиз, ана тақвим варақларига қаранг! Ҳаё билан ёнаётган аёл яноғидек, «8 Март» ёзуви қизарибгина, ийманибгина турибди. Ишондингизми? Энди югуринг, Оналари, Аёлларни байрамлари билан чин кўнгилдан қутлашга шошилинг. Ана, эрка фасл — танти баҳор ҳам йўлак бўйлаб ҳорғин-ҳорғин, хаёлчан-хаёлчан қадам ташлаб келаётган Муаллима Аёлни қутлаш учун жилваю табассумлар билан пешвоз чиқмоқда: «Байрамингиз муборак, Матонатли АЁЛ!».

Луқмон БЎРИХОН.

АМИР ТЕМУР ХИЁБОНИДА ОЧИҚ ДАРС

Шаҳримизда бир маскан бор. Мен у ердан ўтаверсам гулларга мезбон бўламан. Куни кеча ўша гўшада Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов, академик А. Асқаров иштирокида Юнусобод туманидаги 63-ўрта мактаб 11 «А» синф ўқувчилари «Бобокалонимиз Амир Темур ҳаёти ва ижоди»га бағишланган очиқ дарс ўтказишди.

Қизиқ, нега ушбу дарс учун айнан шу ер танланди? Бу саволга мактаб раҳбари Муҳаммад Рашидовнинг сўзларидан ва дарс иштирокчиларининг ҳайкалга тикилган нигоҳидан бобомизнинг нафақат сувратий қиёфасини, балки сийратий қиёфасини ҳам болалар онгида жонлантириш мақсадида эканмикан, деган хаёлларга бордим.

А. НАЗАРОВ.

Давра суҳбати

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИ

МОЗИЙГА НАЗАР, МУҲОКАМА, МУШОҲАДА

Мамлакатимиз мустақиллик йўлидан, демократик давлат қуриш, Ўзбекистон халқлари учун муносиб турмуш шароити яратиш, бозор муносабатларига ўтишнинг халқимиз табиати, қадим анъаналаримиз, қадриятларимизга хосу мос, жаҳон илғор тажрибаларига асосланган йўлдан илгарилаб бормоқда. Дастлабки муваффақиятларимиз яққол кўриниб турибди. Муаммолар ҳам тиниқлашиб, туманлар кўтарилиб паст-баланд жойлар кўзга ташланиб қолди. Юрт тақдирига масъулият ҳисси кучаяётир. Айни бир пайтда кўпчилик елкасида турган юкдан баъзан ўзини олиб қочиш, муҳим масалаларда лоқайдлик, сусткашлик каби номатлуб ҳолатларга ҳам дуч келиб турибмиз. Бу ҳолни ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий ҳаётимизда, хусусан маорифда ҳам кузатиш мумкин.

Давра суҳбати ана шундай муаммолар ҳақида. Суҳбатда ТошДУ филология факультети декани, филология фанлари доктори, профессор Бегали ҚОСИМОВ, «Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири, филология фанлари номзоди Иброҳим ҒАФУРОВ, ТошДПИ ўзбек ва қозоқ филологияси факультети декани, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин МАҲМУДОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими Ашурали ЖЎРАЕВ, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармаси бошлиғи Марат ШАФИЕВ, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 105-мактабнинг тарих ўқитувчиси Мавлуда ҒАФУРОВА иштирок этишди.

Давра суҳбатини «Маърифат» газетаси бош муҳаррири Саъдулла ҲАКИМ олиб борди.

Донишмандлар сабабсиз оқибат бўлмайди, деганларидек, дунёда ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ, ҳеч нарса ўз-ўзидан вужудга келмайди. Шу маънода муаммоларни дарахт шохидаги ҳосилга қиёслаш мумкин. Ҳосил ўз-ўзидан етилиб қолмайди. Бунинг учун аввал кўчат ўтқазилиши, у илдиз отиши, кўкариши, вояга етиши керак. Демоқчиманки, бугунги муаммолар илдизини бугуннинг ўзидан эмас, яқин кечмишдан қидириш мантиқан тўғрироқдир. Бу биринчидан.

Иккинчидан, муаммосиз ҳаётни тасаввур этишнинг ўзи амри маҳол. Лекин муаммоларнинг ҳам муаммоси, ўзбекона айтганда онаси бор. Бу қиёфасизликдир.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган бир гуруҳ россиялик журналистлар саволларига берган жавобларидан қиёфасизлик иллатини муҳим муаммолардан бири сифатида таъкидлади: «... **маънавий қашшоқлик оқибатида ўз қиёфасини йўқотиш, ҳамма нарсага, мамлакат тақдирини ҳал этадиган сиёсий тадбирларга ҳам бефарқлик ҳозирги замонда зоҳир бўлаётган муҳим муаммолардан биридир»,** — деди Президент. Бу, шубҳасиз, миллий заминдан ўсиб чиқмаган, миллий асосга эга бўлмаган, ғарбдан экспорт қилинган коммунистик ғоя асоратидир.

Мамлакатда ҳамма нарса умуминсоний асосларда яшай олмайди. Бу қиёфасизликка олиб келади. Мамлакатда ҳамма нарса фақат миллий асосларда ҳам яшай олмайди. Бу маҳдудликка олиб келади, жаҳондан узиб қўяди.

Миллийлик ва умуминсонийлик бутун жаҳонда Ўзбекистон, ўзбек миллати қиёфасини яратмоқда. Албатта, жаҳон хотирасида шонли тарихимизни тиклаш қийин кечаётгани йўқ. Лекин жаҳон хотирасида бугунги Ўзбекистон қиёфасини яратиш ҳам ўта муҳим, ҳам ғоят масъулиятли жараён эканлигини сезиб турибмиз. Ўзбекистон қиёфаси — миллат қиёфаси, ҳар бир фуқаро қиёфасидир.

Хуллас, бугун биз маънавий қашшоқлик, қиёфасизлик сабаблари ва бугун тикланиш замонида халқнинг маънавий қиёфаси қандай бўлиши кераклиги, бу жараёнда шахс масъулияти, таълим-тарбиянинг аҳамияти хусусида суҳбатлашсак. Негаки, ҳар

(Давоми 2-бетда)

ХАБАРЛАРИ — МММ

БЕШ ЁШЛИ НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ

Наманган шаҳрида ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» вилоят қўшиқлар кўрик-танлови кўплаб янги овозларни кашф этди.

Айниқса, кўрикнинг тўртинчи шарти бўйича 4-синф ўқувчиси Мушарраф Абдусалимова, 7 ёшли Анваржон Бозоров, 5 ёшли Нуриддин Ҳайдаровларнинг мустақиллик руҳидаги янги қўшиқлари кўпчиликка манзур бўлди.

ТАВАЛЛУДНИНГ ТАРИХИ

Жомбой тумани ҳокимлиги, Самарқанд давлат дорилфунуни ҳамда маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш учун туман кенгаши ташаббуси билан Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Жомбой шаҳридаги 23-мактабда ташкил этилган бу анжуманга тарих ўқитувчилари, марказлашган кутубхона тизими ходимлари таклиф этилди.

ИҚТИДОРЛИЛАР МАКТАБИ ИШ БОШЛАДИ

Ғаллаорол туман халқ таълими бўлими мудири Яраш Кўлиевнинг таъкидлашича, маориф соҳасида сезиларли силжишлар бўлмоқда. Боғчалар, мактаблар аста-секин ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш йўлига ўтишмоқда. Математика, физика, химия, инглиз тилига ихтисослашган Қори-Ниёзий номли лицей-мактаби ўқувчилари бу йилги фанлар олимпиадасида фахрли ўринларни эгаллашди.

Дарвоқе, тикувчи, алоқачи ва қурилиш мутахассислари тайёрлаб берадиган ҳунар лицейи, ЭҲМ га йўналтирилган 2-иқтидорлилар мактаб-интернати жорий ўқув йилида иш бошлади.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ ВА ТАДБИРКОРЛИК

Абдулла Авлоний номидаги Республика халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш Марказий институтида туман, шаҳар халқ таълими бўлими мудирлари яна бир гуруҳининг иқтисодий билим ва тадбиркорлик асослари мавзуига бағишланган бир ҳафталик ўқув семинар машғулотлари бўлиб ўтди. Семинар таълим мазмунини такомиллаштириш, бўлажак фуқароларни ҳар томонлама баркамол, қобилиятли, тадбиркор қилиб тарбиялашда халқ таълими ходимлари олдида турган вазифаларга бағишланди.

Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, вазир муовини Й. Саиджонов, профессор А. Қаҳҳоров, С. Салимов, психолог Дилдора Набиевалар томонидан ўтилган машғулотлар, тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди.

ОМАДЛИ ЛИЗАЛАР

Мўйноқ туманида «Йил тарбиячиси-96» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Беллашувда 1-ўрин боғча тарбиячиси Лиза Аристонбоева, 2-ўрин шу боғча ходимаси Лиза Дўсжонова, 3-ўрин 2-боғча тарбиячиси Луиза Қантарбоевага насиб этди.

Муаллифлар: М. Дадабоев, Р. Иноятов, У. Одилов, И. Болтаев, Ғ. Ёқубов.

«ЁШЛИКНИНГ ҲАР КУНИ БАЙРАМ»

— дейди Тошкент давлат техника университетининг талабаси, Узбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндори Зуҳра Нуриддинова.

— Тўғрисини айтсам, яқинлашиб келаётган байрамга фавқулодда аҳамият бераётганим йўқ. «Юрагимга ажиб туйғулар келмоқда» деб ҳам айтолмайман. Чунки мен учун ёшликнинг ҳар куни байрам, ҳар лаҳзаси қувончли. Бир сўз билан айтганда, яратганга шукрки, ҳар куни байрам кайфияти оғушида юрибман.

Тан олиш керак, кўплар биз ёшларга ҳавас билан қарашади. Чунки улар илгари бизчалик қадр-қиммат, меҳр-мурувват кўришмаган. Шунинг учун ҳам баъзан ўйланиб қоламан: биз ёшлар, айниқса, талабалар, ҳукуматимизнинг, Президентимизнинг ғамхўрликларига муносиб бўлаяпмизми? Кўпгина тенгдошларимнинг, айрим талабаларнинг ўқиш ва машғулотларга жиддий қарамаслигини, ҳавойи орзу-истаклар билан куча чангитишларини учратганимда, тўғриси, уялиб кетаман, елкамдаги масъулиятни яна чуқурроқ ҳис қиламан.

Мана баҳорнинг илк байрами эшик қоқмоқда. Бундай қутлуғ байрам куни ниятлару тилаклар ҳам улуғ бўлиши керак. Хўш, мен жажжи сингилларимга, дугоналаримга, опажону мунис онажонларга қандай тилак билдиришим мумкин?.. Тилагим битта: Уйғоқ қалбли бўлайлик!

Н. БЎРИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИ

МОЗИЙГА НАЗАР, МУҲОКАМА, МУШОҲАДА

Давра суҳбати

(Боши 1-бетда)

қандай ғоя, тарихий тажрибадан маълумки, мактабга экилгандагина шиғил ҳосил беради. Тарбияга таъсир қилгандагина кучга эга бўлади.

Бегали ҚОСИМОВ:

— Миллатнинг қиёфаси деганда мен нимани тушунаман? Дунёда юзлаб-минглаб миллатлар бор, улар бир-бирларидан ўзларига хос хусусиятларига кўра фарқ қиладилар. Бу хусусиятларни тарихчилар яхши ўрганишган, ҳар бир миллатнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб беришган. Шу жумладан туркий халқлар, хусусан ўзбек миллати ҳақида ҳам шундай гапларни учратиш мумкин. Ёрқин мисол тариқасида Аҳмад Заки Валидийнинг Туркистонга бағишлаб ёзган асарини келтириш мумкин. Унда бу масалаларга у кенгроқ қараган. Шубҳасиз, бунинг марказида ўзбеклар туради. Уларга хос муҳим миллий хусусиятлардан биттаси жонлиликдир — битмас фаолликдир, дейди Валидий. Жалолиддин Румийдан тортиб кейинги даврларда ўтган кишилардан мисоллар келтиради. Турмушнинг энг оғир мушкулотларида ҳам сабр-тоқатлилик, чидамлилик, очиқ фикр ва серфарзандлик бу халққа хос. Ва яна айтадики, бу миллат ортиқча семириб кетмаслиги учун нафсини тия олади. Интизомсеварлиги билан ажралиб туради. Курашлар, улоқлар, кўпкарилар асрлардан буён бу халқни чиниқтириб келган.

Қани, энди, мана шунақа асарлар таржима қилинса, оммалаштирилса. Биз киммиз, тарихдаги ўрнимиз қанақа, мана шуларни англашимизга бениҳоят катта ёрдам берган бўлар эди. Чунки бу тарихий ҳақиқатларни ёш авлод англашига Ватан муҳтож. Миллат кейинги 130 йил давомида аслиятдан, ота-боболардан узоқлашди. 1881 йилда Исмоилбек Гаспрали рус тилида эълон қилган «Русское мусульманство» асарида ҳар бир миллатнинг, шу жумладан, Русиядаги мусулмонларнинг ҳам маориф ва маданияти ўз тилларида анъанавий таълим-тарбия воситалари орқалигина амалга ошмоғи лозим, акс ҳолда улар жаҳон жамоасидан узилиб қоладилар, миллат сифатида йўқолиб кетадилар. Бу эса, ҳеч қачон Русияга шараф келтирмайди, балки мамлакатни охирини айтиш қийин бўлган можаролар томонга бошлайди, деган эди. Бу фикри учун у расмий доираларнинг, Н. Ильминский, М. Муропиев, Н. Остроумов каби шовинистларнинг қаттиқ ҳужуми остида қолган эди. 1882 йилдаёқ Тошкентда «Ғайрирус мусулмонларнинг маорифини қандай принциплар асосида ташкил этмоқ керак?» деган мавзуда кенгаш чақирилиб, уларда **иккита: 1) руслаштириш; 2) исломни бузиш** бўлмоғи керак деган хулоса чиқарилган эди. Бу 1917 йилгача изчил давом этди. 1917 йилдан кейин «руслаштириш» «қизиллаштириш» билан, «исломни бузиш» «атеизм» билан қўшиб олиб борилди.

Дарҳақиқат, миллат ва Ватан муҳаббати инсонлар жамоасини ҳаракатга келтирувчи энг муҳим омилларидир. Инсон бу туйғудан маҳрум бўлган кун темир одамга айланади. Бировнинг юртини эгалламоқчи бўлган ҳар қандай мустамлакачи ишни ўша халқдаги мана шу туйғуни сўндирмоқдан бошлайди. Бунинг учун тарих сохталаштирилади. Миллат ва дин босқичма-босқич бузиб борилади. Эслайсизми, Маҳмудхўжа Беҳбудий 1914 йилда ёзган эди: «Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайдурғонларни «қул»—«марқуқ» дерлар». Тарих эса миллатнинг шунчаки бир босиб ўтган йўлигина эмас, у аждодларимизнинг дарду қувончлари, орзу армонлари ҳамда миллатни дунёдаги минглаб миллатлар орасида фарқлантириб турган хос хусусиятлари, анъаналари ҳамдир. Илм-фани, урф-удумлари, санъати, маданияти ҳамдир. Буларсиз миллат миллат бўла олмайди. Шунинг учун ҳам донишмандлар тарихни иккинчи муқаддас китоб, деб ҳисоблаганлар.

Иброҳим ҒАФУРОВ:

—Яхши гапларни айтдингиз, Бегалижон. Бугунги қўйилган мавзу ғоят долзарб, қизиқарли, жуда зарур, уни ҳар томонлама чуқурлаштириш мумкин. Президентимизнинг Россия журналистлари билан учрашувида илгари сурган ғояларида, ундан кейин Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаган нутқидаги фикрларида ўтмишда халқимиз қайси йўлдан келаётган эди ва энди келажакка қайси йўлдан борамиз, қандай қилиб борамиз, нима юк кўтариб борамиз, деган саволларни ўртага ташлади. Ва, назаримда, кўп чигал, ноаён бўлиб ётган муаммоларга равшанлик киритди. Шулардан бири бугун ўртага ташланаётган қиёфасизлик масаласи. Қиёфасизлик қаердан келиб чиқди, қаерга олиб боради? Халқнинг маънавий-руҳий аҳволида унинг ўрни қанақа деган саволларга жавоб топилиши керак. Уларга жавоб топиш учун Президентимиз, биз— зиёлиларга жуда катта имконият беряпти. Бу ерда тўғри таъкидлаб ўтилди: қиёфасизликнинг илдизи ўтмишда. Ўша 130 йиллик истибдод шароитида, истибдод сиёсатида, истибдод мафкурасида бунинг илдизи, моҳияти. Советлаштиришнинг ўзи ҳам аслида қиёфасизлаштириш эди. Советлаштиришнинг моҳияти байналмилаллаштириш, байналмилаллаштиришнинг замирида эса халқни, маълум бир миллатни қиёфасиз қилиб қўйиш эди. Зўравонлик билан, тазйиқ билан, иддао билан. Барча ўзига хос хусусиятлардан маҳрум қилиш йўли билан. Мен байналмилаллаштиришнинг ўзини қиёфасизлик деб тушунаман. Саноатни байналмилаллаштириш мумкиндир, интеграция жараёнларини байналмилаллаштириш мумкиндир, лекин халқнинг маънавий-руҳоний ҳаётини, меросий ҳаётини ҳеч қачон байналмилаллаштириб бўлмайди, советлаштириб бўлмайди. Бунга уринадиган жамият, мафкуранинг ўзи ҳаддан ташқари сохта, ҳаддан ташқари шавқатсиз бўлиши керак бу нарсани ҳаётга татбиқ қилиш учун.

Бегали ҚОСИМОВ:

— Ҳақиқатан ҳам, энг «адолатпарвар», «энг ҳақиқатпарвар», «энг инсоний» деган сифатларни олган собиқ советлар тузуми миллионларча инсон қовурғалари устида қурилди. Машъум 30-йилларда қатағон қилинганларнинг маълум қисми 1917 йилни тайёрлаган ва амалга оширган кишилар эдилар. Улар социалистик ғояга бутун вужуди билан берилган, унинг адолатига чин дилдан ишонган кишилар эдилар. Шу тариқа, бу тузум дунёга келгач, эркинликни эмас, зўравонликни намойиш қилди, дастлабки қадамлариданоқ ўзининг ғайриинсонийлигини исботи эди.

Низомиддин МАҲМУДОВ:

— Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардимки, бу ғайриинсоний тузум Туркистон, хусусан Ўзбекистон учун аслида ёт эди. Юртбошимизнинг «бизнинг ўлкада коммунистик ғоя миллий асосга эга бўлмаган», деган сўзида катта маъно бор.

Бегали ҚОСИМОВ:

— Муҳими шундаки, социалистик ғоянинг ўсиб-унишига Туркистонда шароитнинг ўзи йўқ эди. Исмоилбек Гаспрали 1885 йилдаёқ буни рад этган. Беҳбудий эса «Хуршид» газетасининг 1906 йил 11 сентябрь сонида «Хайрул умури авсатуҳо» («Ишларнинг яхшиси ўртачасидир») номли машҳур мақоласида уларнинг дастури «хомхаёл» бўлганлигидан ташқари «зарарлидир» деган фикрни илгари суради. Абдурауф Фитрат 1917 йил Октябрь воқеаси муносабати билан «Русияда янги бир бало бош кўтарди, большевик балоси!» («Ҳуррият» газетаси, 1917 йил 49-сон) деб ёзади. Афсуски, бутун 70 йилимиз Русиядан поездларда келтирилган мана шу рус социалистик «инқилоби»нинг Туркистонда қонуний эканлигини «исботлаш» йўлида кечди.

Бугина эмас, ўзликни унутиш шу даражага етдики, биз тамомила Русия ва у орқали Европа измидан кетдик. Гўзаллик ва ахлоқнинг, юксак маданий турмушнинг андозаси биз учун Европа бўлиб қолди. Шарқнинг, Осиёнинг бир вақтлар Европа учун ҳам камолот тимсоли ҳисобланган ахлоқ ва турмуши ўз фан-техникаси билан олдинги қаторга ўтиб олган Европа замбараклари садоси остида қолиб кетди. Буни ҳам ўз вақтида айтганлар бўлган. Масалан, ўша Исмоилбек Гаспрали 1885 йилда ёзган «Оврупо маданиятига бир танқидий назар» рисоласида фан ва техникаси билан дунёни ҳайратга солган капиталистик Европани ҳам, жаннат ваъда этувчи социалистик Европани ҳам рад этади. Ҳар иккисида ҳам ахлоқсизлик кўради. Унингча, бугунги Европа маданияти қадим Рим цивилизацияси асосида майдонга келгандир. Қадим Рим салтанати эса маънавий-ахлоқий чириганлиги учун барбод бўлган. Муаллиф ворисийликка, оталар ва болалар масаласига тўхталади. Болаларнинг — социалистларнинг ўз оталари — капиталистларни рад этишларида катта маъно кўради. Айни пайтда болаларнинг адолат ҳақидаги тушунча ва фикрлари адолатсизликлар билан тўла эканлигини очиб ташлайди. Гаспрали фикрича, юқоридаги икки маданиятнинг асосий нуқсони шундаки, уларда ҳаққоният йўқ. Исломдаги ҳаққоният йўқ. Ҳаққоният нима? Авлоний буни шундай тушунтиради: «Ҳаққоният деб ишда тўғрилик, сўзда ростликни айтилур,.. ишда тўғрилик, бировнинг нафсига, молига хиёнат қилмов, сўзда тўғрилик ҳар вақт рост сўзламаклидир.»

*

Муаллиф барча инсонларнинг ўзаро муносабатлари бир асосга — фойда асосига қурилганини таъкидлайди, лекин ишлаб чиқариш воситаларини, киши фаолиятини назорат қилувчи умр, закот кабиларни инсон ва жамият ҳаётидаги фавқулодда назоратчилик ролини уқтиради. Шулар Оврупонинг ҳуқуқ ва ахлоқига асос қилиб олинганида, социалистик ларзаларга имкон қолмаслигини айтади. Шу тариқа Европа илмфани билан ислом ахлоқининг ҳамкорлигида майдонга келадиган янги умуминсоний маданият масаласини кўтаради.

Рисола шундай якунланган эди: «Оврупо кекса бир чолдир, тажрибаси кўпдур... Тажрибасидан ўрганамиз, лекин хаталарини такрорламаймиз. Мактабларини, университетларини бизлар ҳам қурамиз. Лекин ақлларимизни қанча ёритсак, юракларимизни ҳам шунча «ҳаққоният» билан тўлдирмоққа ҳаракат қиламиз. Оврупода нимани кўрсак, ёш боладек олиб югурмаймиз. Эслиҳушли инсонлардек, «бу нимадир? Оқибати нима бўлади? Виждон ва ҳаққониятга уйғунми?», дея ақл тарозусига тортиб оламиз».

Бу гапларни мутаассиб бир мусулмон эмас, Русия ҳарбий-ўқув юртларида, сўнг Парижда Сорбонна университетида ўқиган, Европа тилларини мукаммал билган, Францияда бир неча йил яшаб машҳур И.С. Тургеневга котиблик қилган, 1910 йилда «Ревью дю монде» номли француз журнали маърифатчилик фаолияти учун Нобель мукофотига тавсия қилган киши айтмоқда.

Низомиддин МАҲМУДОВ:

— Коммунистик мафкура ижтимоий ҳаётнинг барча қатламларини шу қадар усталик билан чирмаб олган эдики, ҳатто биринчи синф боласи ҳам бу сиёсий тўрнинг пишиқ тугунлари орасида эди. Октябрят, пионер, комсомол деган тузилмалар мактабдаги сиёсий-тарбиявий ишнинг асосий унсурлари эди. Гўзал сиёсий ёлғонларни болажонларнинг оппоқ-ойдин шуурларига муҳрламоқ асосий мақсади эди бу тузилмаларнинг. Бобосини душманга бориб сотган хоин Павлик Морозовлар отасини, бобосини, умуман аждодини минг йиллар мобайнида муқаддас деб билган, отага ҳатто тик қарашни гуноҳ санаган ўзбекнинг боласига ўрнак ўрнида кўрсатилган эди... Табиийки, бу тузилмаларнинг ҳам миллий замини йўқ эди, наинки йўқ эди, уларнинг пировард мақсади минг йиллик миллий қадриятларни қалбларидан кўпормоқ эди...

Улкан олмон алломаси Вильгельм фон Гумбальдтнинг шундай гапи бор: «Маданият халқнинг бағридан ўсиб чиқиши мумкин, шундагина у халқнинг маънавий юксаклигига гувоҳлик бера олади. У ёки бу мамлакатга маданият ташқаридан олиб кирилса, у ҳақиқий, ўз маданиятига қараганда тезроқ тарқалиши, жамиятнинг барча қатламларига нисбатан эркинроқ кириб бориши мумкин, аммо халқнинг руҳи ва характерига жадал ва самарали таъсир эта олмайди». Бу гапнинг ростлигини бугун, хайриятки, кўриб турибмиз. Лекин маълум даражадаги таъсирни инкор этиш ҳам мумкин эмас. Бу борадаги ишларни ўнглаш учун республикамиз раҳбарияти жуда кўп ва хўб тадбирларни белгилади ва белгиламоқда. Масалан, «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни эслашнинг ўзиёқ кифоя. Бу Қонунни яқинда қабул қилинган янги таҳририда она тилимиз — ўзбек тилининг қонуний ҳуқуқлари ва айни пайтда бошқа тилларга ҳурмат аниқ белгилаб қўйилган.

Маънавий комил инсонни тарбиялашда боғчадан тортиб олий мактабгача таълимнинг барча бўғинлари баб-баравар масъулдир. Қадим ўлкамиз маънавий тарбиянинг теран миллий заминига эга. Бу қадим тупроқ жаҳон тафаккури хазинасига комил маънавият намояндаларининг улкан силсиласини етказиб берган. Улар яратган беназир ақлу одоб, сўзу санъат дурдоналари бизнинг таълим ва тарбия ишимиздаги гўзал сабоқликлардир. Маънавият ҳар қандай ташқи зарарли таъсирдан инсонни асровчи ҳимоя қобиғидир.

Ашурали ЖЎРАЕВ:

— Ёшларнинг ўзбек классик мусиқасига қараганда Европача оҳангларга кўпроқ рағбат билдираётгани ҳам ҳарҳолда, ўша сиз айтган ташқи маданиятнинг устун таъсири натижасига ўхшайди. Миллий мусиқани ҳам муҳофаза ва тарғиб қилиш ҳақида қонун керакмикан? Ёки миллий ўзликни англашнинг кучайиши, маънавий тарбиянинг таъсирида бу жиҳатлар ўнгланармикан?..Сўнгги йилларда ўтказилаётган ёш талантлар кўрик-танловларида ана шу миллийликнинг етишмаганлиги ачинарлидир...

Иброҳим ҒАФУРОВ:

— Яна бир нарсага аниқлик киритиб олсак. Мен одамлардаги лоқайдликни «миллатнинг қиёфасизланиши» деб айтишни истамас эдим. Балки миллатда маълум бир тоифаларни, маълум бир ҳодисаларни қиёфасизланиши деб айтган бўлардим. Чунки ўзбек халқи жуда узоқ, неча минг йиллик тарихни босиб ўтди, лекин қиёфасини бутқул йўқотган эмас. Ўзига хосликларини маълум даражада йўқотган дейиш ўринлироқ. Бу ерда Гаспрали ҳақида гап бўлди. Унинг «Таржимон»да бир мақоласини ўқиган эдим. Миллати ҳақида қайғурмайдиган, миллатининг келажагини ўйламайдиган, миллатининг маданий-маънавий асосларини ўйламайдиган ва буларни ривожлантирмайдиган одамлар мозордаги қабртошларга ўхшатилади. Қабртошларнинг бир-биридан фарқи бўлмаганидай, қиёфаси бўлмагандай, миллат ҳақида, миллийлик ҳақида, миллий асослар ва илдизлар ҳақида ўйламайдиган ва буларни ривожлантиришга ҳаракат қилмайдиган одамлар, халқлар ҳам ўша мозорга қўйилган қиёфасиз тошлардан фарқ қилмайди деб ёзган эди у. Шунинг учун жадид боболаримиз бу муаммони жуда нозик тушунишган. Ижтимоий тараққиётни чор истибдоди мафкураси асосига эмас, балки миллий заминга қўйишга ҳаракат қилишган. Лекин чор Россияси истибдоди ўрнига келган большовойлар уларни тиғи парронга учратди.

Хуллас, қиёфасизликнинг илдизлари, уни келтириб чиқарадиган усуллари кўп. Шулардан бири халқни ўз меросидан узиб қўйиш. Иккинчиси миллатни дунёдан узиб қўйиш. Миллатни дунёга чиқадиган йўллари қандай қилиб бўлса ҳам беркитилади. Яқин тарихимиз бунга шоҳид. Учинчиси эса бу шахсларни тамомила маҳв қилишга қаратилган мафкура эди. Қаердаки, шахслар маҳв этилса, йўқ қилинса, ўша ерда қиёфасизлик вужудга келади. Ҳаммани бир хил қилишни, бир қолипга тушишини хоҳлайдиган, қолипга тушмайдиганларни йўқ қиладиган тузум албатта қиёфасизликка олиб келади. Беҳбудий, Чўлпон, Фитратлар ҳақиқий маънода шахслар эдилар. Лекин халқ маънавий қиёфасининг тимсоли бўлган шахслар аниқ мақсадларни кўзда тутиб, қатағон қилиндилар. Бугун бир мудҳиш воқеани эштидим. Қаршида бир йигит 81 ёшга кирган отасининг бошига таёқ билан уриб ўлдириб қўйибди. Буни қандай қилиб тушунтириш мумкин? Ислом руҳида, ўзбекчилик руҳида тарбияланган одамлар, ўзбек удумлари асосида тарбия топган одам шундай иш қилиши мумкинми? Мен буни тушунтиролмайман, нима билан изоҳлашни ҳам билмайман. Отаси минг ёмон, ярамас, бадбахт одам бўлсин, лекин фарзанди унга тик қарашга, қўл кўтаришга ҳақли эмас.

Бегали ҚОСИМОВ:

— Отанг кофир бўлса ҳам, у турган уйнинг томига чиқма, деган гап бор.

Иброҳим ҒАФУРОВ:

— Баракалла. Нақадар топиб айтилган гап. Бу жиноятчиликнинг илдизи ҳам кеча пайдо бўлган эмас. У ҳам собиқ совет тузумидан қолган, қиёфасизликдан келиб чиққан иллатдир.

Ашурали ЖЎРАЕВ:

— Мактаб совет мафкурасининг ядроси бўлган экан-да. Ҳозир суҳбатни тинглаб туриб пионер бўлганларимиз ёдимга тушди. Унинг катта тантаналари бор эди. Масалан, октябрят, кейин пионер, комсомолга ўтишларнинг ўзига хос дабдабалари бўларди. Тантанали ваъда берган октябрят ёки комсомол охир-оқибатда энг яқин кишисининг ҳам таъзиясига бормайдиган бўлиб улгайди. Бугун мустақиллик даврида ҳар бир инсон ўзига ўзи ҳисоб берадиган вақт етди. Агар қиёфасизликка йўл қўйса, тавба-тазарру қилиш керак деб ўйлайман. Бугун юртга фидойилар керак, жумладан муаллимлар орасида ҳам. Биз бугун ўтмишнинг иллатларидан қутулиш йўлларини ўйлайлик. Коммунистик мафкура қандай кириб келди, нима берди ва биз унинг оқибатларидан қандай қутулишимиз керак. Чунки у замондан узилиб кетиш қийин бўлаяпти. Ислоҳотларимизнинг оқсашидаги сабаблардан бири шу деб ўйлайман.

Саъдулла ҲАКИМ:

— Ҳақиқатан ҳам, мафкурани сингдириш учун асосий восита мактаб деб билишган ва ундан унумли фойдаланишган. Ҳеч бир корхона ёки муассасада мактабдагидек кўп ғоявий ташкилот бўлмаган: октябрят, пионер, комсомол, партия, касаба уюшмаси... буларнинг ҳаммаси мафкурани сингдириш воситалари бўлган. Бугун, энди, мустақиллик мафкурасини ёшларга сингдириш, уларни Ватанга садоқат руҳида бирлаштириш учун шунга ўхшаш болалар ташкилотлари ишларини жонлантириш зарур эмасми? Бунга нима дейсизлар?

Марат ШАФИЕВ:

— Қиёфани йўқотиш бу энди ҳақиқатан жиддий муаммо. Лекин кенг маънода олганда халқимиз бутунлай қиёфасиз бўлиб қолмади. Бу ҳақда Иброҳим ака айтдилар. Бизда ҳамма бир хилликка юз тутди: бирданига туриш, бирданига ётиш, виждонан ҳеч ким сўрамади, «бўл тайёр» деганда, «доим тайёр» дея жавоб берди. Бугун мамлакатимизда бўлаётгандек таълим тизимида ҳам ислоҳот кенг кўламда олиб бориляпти. Қанчадан-қанча концепциялар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилиняпти. Таълим соҳасида мазмун кескин ўзгарди. Бугун болалар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳам ўтган икки-уч йил аваалги кўрсаткичдан кескин камайди. Маҳаллаларда болалар ўртасида иш олиб бориляпти. Айниқса, Фарғона водийсида маҳалла қўмиталари мактабларнинг қошида иш юритяпти. Юқорида болалар уюшмаси ҳақида савол қўйилди. Ёшлар иттифоқи «Болалар ва ўсмирлар уюшмаси Устави»ни қабул қилди. Лекин жойларда ишлар ҳали юришиб кетгани йўқ. Асосийси, мазмун ўзгарди. Ватан билан фахрланиш, мустақил замонни ҳис қилиш учун бу ишлар амалга ошириляпти. Мамлакат миқёсида «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар танловини ўтказишга тайёргарлик жараёнида ҳам Ватанга муҳаббат туйғулари сингдириляпти. Булар, албатта, бирданига эмас, орадан маълум йиллар ўтгач, натижасини беради. Ёки бўлмаса Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини олайлик. Биз Темур ҳайкали пойида махсус дарслар уюштиряпмиз. Бундай тадбирлар болаларимизнинг тарихга, кечмишимиздаги улкан шахсларга бўлган муҳаббатини оширади. Беҳбудий, Фитрат, Файзулла Хўжаев... Буларнинг ҳаммаси болаларда ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш учун восита бўляпти. Баҳор охирларида «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида Марказий Осиё давлатларидаги ижодкор ўқитувчилар анжуманини ўтказиш мўлжалланган.

Мавлуда ҒАФУРОВА:

— Мен сўзимни шу нарсадан бошламоқчи эдимки, ҳозирги қийинчиликлар мустақиллик йўлини танлаганимиз сабабли эмас, балки мустамлакачи кучлар узоқ даврлар давомида олиб борган иқтисодий ва ғоявий сиёсатнинг оқибати сифатида юзага келди. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик, осойишталик барқарор бўлса, бу қийинчиликларни албатта енгиб ўтамиз.

Бироқ мактабда, ҳунар-техника билим масканларида, олий ўқув юртларида, илмий муассасаларда ўз фаолиятларини тарк этиб, тижорат йўлига ўтиб кетаётган ўқитувчиларни учратиш мумкин. Албатта, тижорат иқтисодий тараққиётимизнинг муҳим йўлларидан бири. Лекин мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт йўллари ва имкониятларига кенгроқ қарамоқ керак. Бошқа давлатлардан маҳсулот олиб келиб, ўлкамизда сотиш билан истиқболимизни порлоқ қила олмаймиз. Бу йўл билан борсак, кимлардир бой, лекин Ўзбекистон қолоқ, хомашё ўлкаси бўлиб қолаверади. Хомашё сотиб, четдан тайёр маҳсулот олишга ўрганган давлатнинг истиқболи бўлмайди. Агар истеъдодли ёшлар тижорат, осон пул топиш йўлига ўтиб кетаверсалар, эртанги маънавиятимиз, мафкурамиз қандай бўлади? Биз педагоглар ёшларнинг маънавий қиёфаси ҳақида кўпроқ қайғуришимиз керак.

Ўйланиб қоламан. Собиқ СССР даврида Коммунистик партия бошчилигида мактабда комсомол, пионер, октябрят деб номланган ташкилотлар бор эди. Бу ташкилотлар ёш авлодни болаликдан ўзга мафкуранинг мақсади йўлида хизмат қилдирарди. Мен бугун тузилаётган болалар ва ўсмирлар уюшмасининг таъсири тезроқ сезилишини истардим. Биз муаллимлар учун болаларнинг ички қиёфаси, қалби, билими муҳим, лекин ташқи қиёфани ички қиёфадан мутлақо холи тасаввур қилиб бўлмайди. Мен болалар кийимини назарда тутаяпман. Тўғри, у кун тартибидаги масала эмас. Болалар кийими бўлиши керакми-йўқми деган масала ҳал этилган, лекин биз уни мактаб болалари эгнида кўраётганимиз йўқ. Демакки, ранг-баранг кийиниш болаларнинг руҳига таъсир кўрсатишдан ташқари уларни асосий вазифа — билим олишдан чалғитади. Демоқчиманки, ташқи қиёфанинг ички қиёфага таъсири бор. Мана, бизнинг мактабда юқори синф ўқувчилари алоҳида бир хил кийим кийишади. Уларда интизомлилик, дарсга эътибор ва мактаб дастурларини ўзлаштиришда ижобий натижа кузатилди. Ахир, ўқитувчи билан баравар, ҳатто ундан зиёд кийиниб турган ўқувчидан ўқитувчи интизом, дарс талаб қила олмайди. Мактабларда кийиниш бўйича бир меъёр бўлиши фақат яхшиликка хизмат қилади.

Иброҳим ҒАФУРОВ:

— Ҳақиқатан ҳам ўқувчиларнинг усти-боши ҳақида ўйламаса бўлмайди. Ўқувчининг ўқувчилиги билиниб туриши керак. Кийимларни маълум тартибга туширилиши интизомга олиб келади, хаёлни бир жойга жамлайди. Яна бир масала. Бу ҳам бўлса, тажриба тариқасида алоҳида ўғил болалар мактаби, алоҳида қиз болалар мактабини ташкил этиб кўриш керак. Пойтахтимизда қизлар лицейи бор, деб эшитганман. Тўғри, мен маорифчи эмасман, лекин масаланинг барча қирраларини батафсил ўрганиш, тарозига солиб кўриш, мунозара очиш керак. Бу феодалча усул эмас. Нега Германиядагидек юқори тараққиётга эришган давлатнинг айрим жойларида болалар билан қизлар алоҳида ўқитилади? Бу қолоқлик натижаси эмас, мустабидлик маҳсули эмас. Қарангки, 8-синфгача болалар ва қизлар алоҳида мактабларда ўқитилади, ўзининг алоҳида усти-бош, таълим методикасига эга. Ҳозир лицейлар, гимназиялар, иқтидорли болалар синфлари ташкил этиляпти. Ўзбекистондаги ўн мингта яқин мактабнинг битта-иккитасида шуни синаб кўрайликчи, нима бўларкан? Аминманки, бунда ҳеч нарса йўқотмаймиз. Чунки бу халқлар тажрибасидан ўтган.

Бегали ҚОСИМОВ:

— Ҳаёт ўртага қўяётган вазифалар кўп. Фақат уларни ҳал этишдан эринмаслик, фикрлар ранг-баранглиги орқали энг мақбул йўлларни танлашда изчил давом этиш керак. Фикримча, бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири миллатнинг ўзлигини англашга ёрдам бериш, шонли тарихи, буюк фарзандлари, асрий анъаналари, гўзал урф-удумлари билан ифтихор этиш туйғусини тарбиялаш бўлиб турибди. Умуман миллатга, Ватанга муҳаббатни тарбиялаш бўлиб турибди. Ўтиш даврининг бугунги серташвиш ва сермашаққат бир палласида эл ва юртга бўлган буюк муҳаббатгина, унинг ташвишлари билан ёниб яшашгина олдиндаги манзилларга тезроқ етишишимизга йўл очади. Бу борада адабиётимизда ибратли намуналар бор. Адабиётимизга 60-йилнинг ўрталарида кириб келган Абдулла Орипов «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!» деган саволни қўйган эди. Дарҳақиқат, нега Ватанни севадилар? Нега уни иймон қадар юксак тутадилар? Нега барча гуноҳларни кечириш мумкину, Ватанга хиёнатни кечириб бўлмайди? Чунки, у онадек танҳодир, ягонадир. Чунки у биз кўз очиб кўрган дунёмиздир. Биз вояга етган маъводир. Тоғ-тошидан, ер-сувигача, сабза-гиёҳидан дов-дарахтигача умримизга жон қадар пайванд. Чунки у бизнинг ёшлигимиз, биз орттирган дўстлар, илк муҳаббатимиз, қувончларимиз, ташвишларимиз, бахтли бахтсиз онларимиз. У бизнинг ўтмишимиз, истиқболимиздир. Бу тупроқда бизни дунёга келтирган, ақлу маърифатимизни бугунги даражага олиб чиққан, шаъну шукуҳимизни дунёга намойиш этган ота-боболаримизнинг ҳоки поклари ётибди. Шунинг учун ҳам уни «қиблагоҳ», «саждагоҳ» атайдилар. Инсон борки, Ватан туйғуси бор.

Ватанни севмоқ, ундан шунчаки қувонмоқ, ғурурланмоқ эмас, уни дил-дилдан англамоқ, у билан нафас олмоқ, у билан яшамоқдир. Уни яшнатмоқ, обод этмоқ, у учун курашмоқдир.

Афсуски, ўтган асрнинг 60-йилларида Ватан билан бирга Ватан муҳаббати ҳам биздан тортиб олинган эди... Бугун Ватан ўзимизга қайтди. Энди унинг муҳаббати ҳам қайтмоғи керак.

Саъдулла ҲАКИМ:

— Қиёфасизлик, қиёфани йўқотиш, жуда кенг тушунча. Шунинг учун суҳбатимизга маълум бир маънода якун ясайдиган бўлсак, биз мана шу жиддий муаммога турли томонлардан ёндашдик. Гап бу ерда фақат инсонийлик қиёфасини йўқотиш ҳақида кетгани йўқ. Бундай одамлар ҳамма замонларда учрайди. Асосий гап халқнинг, мамлакатнинг маънавий қиёфаси, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида. Маънавий қиёфа эса йиллар, асрлар давомида урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар воситасида шаклланади ва уни бирданига йўқотиб ҳам бўлмайди.

Суҳбат давомида ғоят тўғри таъкидланганидек, халқимиз Шўро истибдодининг исканжали замонларида, қатағон ва тазйиқлар, зўравонликлар даврида ҳам ўз қадриятларини қор остидаги майса каби асраб келди. Лекин миллий табиатимизга ёт коммунистик мафкура ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Халқимизнинг маънавий қиёфаси қийшиқ ойнага солинди, бой тарихий, маънавий меросимиздан маҳрум этилган тафаккуримиз ўтмаслашиб қолди. Биз оламга Шўролар кўзимизга тақиб қўйган кўзойнакдан қарай бошладик.

Бугун оламга очиқ кўз билан боқиш замони. Табиатимизга Шўролар замонидан мерос қолган, Президентимиз ғоят тўғри таъкидлаганидек, ҳамма нарсага, керак бўлса, ҳатто Ватан тақдирига нисбатан лоқайдлик, журъатсизлик, «ҳамманики, яъни ҳеч кимники» деган ташаббусни сўндирувчи иллатлардан тезроқ халос бўлиш замони. Ўз тарихимиз, бой қадриятларимиз билан фахрланиш баробарида уларни тиклаш, давом эттириш, юртнинг ҳақиқий эгалари эканлигимизни кўрсата олиш замони.

Бунга эришиш йўллари кўп. Энг тўғри йўл мактаб орқали ўтади. Мактаб орқали ўтган йўлгина ёруғ манзилга олиб боради. Мактаб жамиятнинг мўъжаз қиёфаси. Демак, мактаб кўрган киши қиёфасиз бўлмайди.

Бугунги кунда мактаб ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгарди. У ўқувчи қалбига юрак зарбига мос тоза ҳаво бераяпти. Мустақиллик мактаблари ўз болаларини камида йигирма йилдан сўнг, янги аср бошида ҳаётга учирма қилади. Мустақил Ўзбекистоннинг ҳақиқий маънавий қиёфасини ўша ёшлар — бугунги боғча ва мактаб болалари белгилашига шаксшубҳа йўқ!

Давра суҳбатини Ҳалим САЙИД ёзиб олди.

Сиртқи дарс

11. ТЕМУРИЙ МАЛИКАЛАР

Дарснинг таълимий мақсади: Темур саройида маликалар мавқеи ва темурийларнинг маликаларга муносабати ҳақида тушунча бериш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: аёлларнинг ижтимоий ва маданий ҳаётдаги ўрни юксаклигини, уларнинг кўпчилиги тарих саҳифаларида учмас из қолдирганини эътиборга олиб, уларга нисбатан эҳтиром ҳиссини уйғотиш.

Дарс режаси:

1. Амир Темур саройи маликалари.
2. Шодмулк бегим.
3. Гавҳаршод бегим.
4. Темурийларнинг маликаларга муносабатидаги ибрати.

Амир Темур оилада аёлнинг ўрни юқори эканлигини, салтанат шаъни маликаларга боғлиқлигини яхши тушунган. Бу ҳолни биз Сароймулкхоним ва бошқа маликаларга нисбатан ҳазрати Соҳибқироннинг муносабати мисолида кўрамиз.

Сароймулкхоним (1341—1408)ни оиладаги аёллар жамоасига бош бўлгани учун Бибихоним, яъни Катта малика деб аташган. Янги туғилган фарзанд икки йил онаси сутига тўйғач, Бибихоним тарбиясида бўлган; тўрт ёшида эса ўқитувчи-тарбиячи ихтиёрига топширилган. Тарбиячи болага иқтидорига яраша ақлий ва жисмоний таълим берган.

Сароймулкхоним илм-маърифатга алоҳида эътибор билан қараб, толиби илмларга ҳомийлик қилган. Шу мақсадда у мадраса қуриш учун эри Амир Темурдан изн сўрайди. Ҳазрати Соҳибқирон рухсат бергач, у отаси Қозонхон совғаси бўлган бир жуфт олмос балдоғини сотувга қўйиб, маблағини мадраса қурилишига сарфлайди.

Амир Темур Ҳиндистон юришидан қайтиб келиб, 1399—1404 йиллар мобайнида Сароймулкхонимга атаб масжиди жомеъ қурдиради. Масжиди Жомеъ темурийлар даври меъморчилигининг энг йирик обидаси ҳисобланган.

Амир Темурнинг қабул маросимларида унинг ёнида Сароймулкхоним бошлиқ хотинлари ҳам юзларига нафис парда ташлаб ўлтирганлар. Испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо Самарқандга келганда Сароймулкхоним меҳмонлар шарафига катта зиёфат бергани маълум.

1394 йилнинг сентябрида Амир Темур Мордин қалъасининг ҳокими Малик Зоҳирни ҳибсга олганда, Сароймулкхоним бу ишга аралашиб, уларни яраштирган.

Маълумки, Амир Темурнинг набираси, Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон (1384—1411) Амирзода Алининг қизи Жаҳон султонга уйланган эди. Амирзода Али ҳазрати Соҳибқироннинг жиянлари эди. Халил Султон Жаҳон Султондан бир ўғил ҳам кўрган. Лекин бир куни шаҳар чеккасидаги боғ кўчадан ўтиб кетаётиб Шодмулкка кўзи тушади ва уни севиб қолади. Қиз амир Ҳожи Сайфуддиннинг чўриси эди. Халил Султон бобосининг Шодмулкка уйланишга монеълик қилишини яхши билгани учун 1404 йилнинг декабрида ҳазрати Соҳибқироннинг саройда йўқлигидан фойдаланиб, унга уйланади. Жаҳон Султон Сароймулкхонимга шикоят қилади. Бу гапни ҳазрати Соҳибқирон эшитиб, Шодмулкни ўлимга маҳкум этади ва уни ҳузурига келтиришни буюради. Халил Султон уни яширади. Сароймулкхоним маслаҳати билан амир Шайх Нуриддин ва амир Шоҳмалик Амир Темур қошига келиб, Шодмулкнинг Халил Султондан ҳомиласи борлигини айтишади. Шунда Амир Темур Шодмулкбегимни Баён оға ихтиёрига топшириш, бола туғилгач, болани тарбиялашга, Шодмулкни эса бирор сипоҳийга бериб юбориш ҳақида фармон беради. Халил султон фармонга бўйсуниб ўз суюрғолмулки Тошкентга жўнади.

Ҳазрати Соҳибқирон вафотидан кейин Халил Султон Самарқанд тахтини эгаллаб, Шодмулкка уйланди. Бу оқила аёлнинг Бобо Тармиш деган бўзчи хизматкори бўлиб, иккаласи Халил Султоннинг давлат ва салтанат ишларига аралашадилар. Амир Темурнинг беваларини унинг амирларига эрга бериб юборадилар. Сароймулкхоним ва Тўқалхонимларни 1408 йили заҳарлаб ўлдирадилар. Халил Султондан норози бўлган амирлар уни ҳибсга олиб, Шоҳрухия зиндонига ташлайдилар, ўзлари эса хазинага эгалик қиладилар. Буни эшитган Шоҳрух 1409 йили Самарқандга келиб, Шодмулкбегимнинг қўл оёғини боғлатиб, хўрлашга изн беради. Халил Султонни ўзи билан бирга олиб кетади ва Райга ҳоким этиб жўнатади. 1411 йилда Халил Султон заҳарланиб ўлдирилади. Унинг ўлими сир тутилса ҳам, Шодмулкбегим ўз одамлари орқали эшитади.

Ибн Арабшоҳ ёзади: «Қачонки, Шодмулк мусибатга тушиб,... Халил султон муҳаббати билан алангаланиб ўртангач: «Мен жудолигингни тортиб, сендан кейин яшамасам эди», — деб бир ханжар олиб, кўкрагига қўйди ва бор қучи билан унга таяндики, ханжар унинг кўкрагини тешиб, орқасидан чиқди. Бу ҳолатни кўрган ҳар бир киши унинг оловидан ўт олиб, куйиб ёнди. Икковлари бир қабрга дафн қилиниб, улар ҳоллари мана шу нашидани куйлай бошлади:

Эй қушнилар, биз бу ерда ғарибмиз,
Ҳар бир ғариб ғарибга хешдир». (II жилд, 64 с.)

Ёки, ҳазрати Навоий айтганларидек:

Бир наъшга солдилар икковни —
Жонсиз келину, ўлик куёвни...

Шоҳрух Мирзонинг катта хотини Гавҳаршодбегим ҳам Сароймулкхоним каби оқила ва тадбиркор аёл бўлган. У чиғатой хонлари сулоласидан Ғиёсиддин Тархоннинг қизи эди. Унинг уч қизи темурийзодаларга тушган. Бобокалони Қўшлик Чингизхон хизматида бўлган. Тарихий манбаларда Гавҳаршодбегим (1379—1457)нинг юксак дидли, фаросатли, тадбиркор, сухандон бўлгани қайд этилади.

Гавҳаршодбегим ташаббуси билан Хуросонда кенг қўламда ободончилик қурилиш ишлари олиб борилган. Машҳаддаги Имом Ризо масжиди ва мақбараси (1418—1419), Гавҳаршодбегим масжиди (1417), Ҳиротдаги Мусалло меъморий мажмуасининг мадрасаси (1417—1432) ва масжиди жомеъ (1437—1438) шулар жумласидандир. Абдураззоқ Самарқандий бу иншоотларни таърифлар экан, «рубъи маскунда тенги ва ўхшаши йўқдир», деб ёзади. Йигирма ёшли ўғли Бойсунқур Машҳаддаги Гавҳаршод масжиди китобаларини ўз қўли билан бажарган. Ишлаган нақшлари ва китобалари поёнига ўз номини сабт этган Гавҳаршодбегим фарзандларидан Улуғбек мирзо, Бойсунқур мирзо ва Муҳаммад Жўкилар унинг тарбиясида етук олиму фозил бўлиб етишдилар.

Гавҳаршодбегим чевараси Иброҳим Султон (1440—1460)ни ҳукмдор Абусаъидга қарши исён кўтаришга даъват этгани учун ўлимга маҳкум этилади. 1457 йилда Гавҳаршодбегим чопиб ўлдирилади. Қабри Кўҳисанда.

Хуллас, Амир Темур оила масаласида маликаларга нисбатан муносабатда фарзандлар тарбиясини юқори қўйган. Шунинг учун ҳам ўғил ё набираси вафот этганда халқимиз удумини қилиб, унинг хотинини кейинги ўғли ёки набирасига никоҳлаб берган. Бу билан ҳазрати Соҳибқирон оиланинг муқаддаслигини сақлаб қолган ва марҳум ўғли ёки набираси болаларнинг бегона қўлга ўтиб кетишига йўл қўймаган. Оила муқаддаслигига путур етказган маликаларни ҳазрати Соҳибқирон аямаган. Масалан, амир Мусонинг қизи — хотини Тумон Оқони гуноҳи учун қатл эттиради.

Ҳазрати Соҳибқироннинг эътиқодича: «Зинодан туғилган киши ўзига яхшилик қилган одамга ёмонлик қилмагунча дунёдан кетмайди». Ёки: «Эр кишини номус ўлдирар».

Темурийлар жамият ва салтанат оиланинг соғломлигига боғлиқлигини яхши тушунганлар.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий бежиз айтмаганлар:

Аёлу Ватан узра то жони бор —
Киши ҳарб этар то имкони бор.

Аёл зотини улуғлашнинг соғлом авлодни вояга етказишда катта аҳамияти бор. Бола онасига нисбатан отаси қандай муносабатда бўлса, шундай муносабатда бўлади.

Темурийлар маликаларни эъзозлаб, улар номига мадраса, масжид, чорбоғ, муҳташам мақбаралар қурдилар: Соҳибқироннинг оналари Тегинабиби шарафига қурилган Шаҳрисабздаги Оқсарой, Бибихоним мадрасаси ва масжиди, Гавҳаршод масжиди, мақбараси, Туман оқо учун қурилган Боғи Беҳишт, Тўқалхоним учун қурилган боғи Дилкушо, Бегиси султон учун қурилган Боғи Шимол, Аржуманд бону учун қурилган Тож Маҳал ва бошқалар фикримизнинг далилидир.

Аёл зотини улуғлашда темурийларга тенглашадигани тарихда бўлмаган, десак хато қилмаган бўламиз.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

ЎЗ УЙИНИНГ МУАЛЛИМАСИ

Гулчеҳра опа болалик хотираларини сўзларкан, ҳар гал беихтиёр кўзларига ёш келади. «Биласизми, «бахтли болалик»ка ўхшаш ширин хотираларни ўқиганимда ёки эшитганимда, кўчакўйда ота-оналари жажжи қўлларидан етаклаб олган бахтиёр болаларни кўрганимда ҳар сафар ичимда нимадир узилгандай бўлади. Худо ҳаққи, ишонинг, уларга ҳасад қилмайман, ҳавасим келади. Бироқ барибир беихтиёр ўша бахтсиз болалик йилларим кино тасмасидек кўз олдимдан ўтаверади...»

Ҳа, Гулчеҳра Азиммуродованинг «ширин хотираларга бой ёшлиги», ўша давр номлари билан айтадиган бўлсак, болалар уйи ёки етимхоналарда ўтди... Лекин Гулчеҳра ҳаётнинг аччиқ қисматларига бардош берди, ҳаммасини енгди... Илож қанча. У етимлик ҳаётига кўникди... Тақдирга тан бериб, мактабни тугатди. Аччиқ тақдир. Энди бўёғи нима бўлади? У қаерга боради?..

Шукр, орамизда ҳамиша қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, диёнатли, меҳр-оқибатли, бағри кенг инсонлар биз билан елкама-елка яшайдилар.

Мазкур меҳрибонлик уйининг ўша даврдаги директори Фотима опа Кашанова Гулчеҳрани «сен энди мактабни битирдинг, вояга етдинг, вассалом, гап тамом», деб болалар уйи дарвозасидан катта йўлга чиқариб, эшикни ёпиб олмади. Аксинча уни ўзига қиз қилиб уйига олиб кетди. Фотима опа ҳақиқий оналик бурчини ато этди. Уни ўзи сингари болалар уйида тарбияланган Ризоқул Бердиев деган ажойиб, камтарин, қўли гул бир йигитга бир дунё орзу ҳавас билан узатди... Кейинчалик Гулчеҳра Тошкент давлат дорилфунунининг математика факультетида ўқиб, мана сал кам 20 йилдирки, болалар уйида ташкил этилган Ойдин Собирова номли мактабда риёзиёт илмидан, одоб-ахлоқдан, меҳр-оқибатдан сабоқ бериб келаётир.

Бу ерда тарбияланаётган 48 нафар ўғил ва 50 нафар қиз, ҳаммаси бўлиб 98 нафар бола учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Ҳар қанча тўкин-сочинлик бўлмасин, барибир, бу даргоҳда тарбияланаётган болалар учун нимадир етишмаётгандек. Ҳа, уларга ота-она меҳри керак... Афсуски, уни яратиб бўлмас экан.

Болалар гавжум бўлган мактаблару боғчаларга бир ташриф буюриб, уларни бир кузатинг-а. Улар қанчалик шўх ва ўйинқароқ. Бўш қолди дегунча қувлашади, ўйнашади, хандон отишиб, беғубор кулишади. Очиғи, меҳрибонлик уйидаги болалар эса назаримизда жиддий ва мушоҳадали болалар кўринади. Улар ўз ёшларига нисбатан анча барвақт улғайиб қолишгандек... Яна бир гап. Уларнинг юз-кўзлари кулиб турса-да, қалблари йиғлаётгандек... «Бу болаларнинг ҳар бири менинг ўзим, менинг ўша болалигим, — дейди Гулчеҳра опа Азиммуродова оғир хўрсиниб, — қайси боланинг кўзида ёш кўрсам, ўзимни тута олмайман... ».

Дарҳақиқат, Гулчеҳра опа ўз касбини жондан севадиган фидойи муаллима. У, айниқса, меҳрибонлик уйисиз ҳаётини тасаввур ҳам қила олмайди. Бу даргоҳ Гулчеҳра опанинг ўтмиши, бугуни ва эртаси. У болаларга бераётган билимлар билан чегараланмайди, улар риёзиёт илмини мукаммал эгаллашлари учун лозим бўлган барча услуб ва воситаларни ишга солади. Энг муҳими, ўзининг бошидан кечирганлари асосида катта ҳаётдан сабоқ беради.

Гулчеҳра опа ҳар куни тинч-тотув оиласига, 4 нафар фарзандлари ёнига меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 4-5 нафарини олиб борадилар, турмуш ўртоғи Ризоқул ака билан биргаликда уларга уй-рўзғор ишларини ўргатадилар, меҳр-мурувват улашадилар...

Тўғриси, ҳозиргача елкасида катта ҳаётнинг ташвишларини кўтара-кўтара чарчамаган фидойи муаллима, меҳрибон она Гулчеҳра опа Азиммуродовага ич-ичимдан ҳавасим келди, ўзбек аёлининг иродаси ва қатъиятига тан бераман...

Яна бир гап. «Яхшиларнинг ниятлари, албатта, вожиб бўларми». Келинг, биргалашиб яна бир ниият қилайлик. Яратган эгам ҳар бир инсонга ақл-заковат, ҳар бир оилага тинчлик-тотувлик эҳсон қилсин. Шундай бахтли кунлар келсинки, дунёдаги ҳар бир бола ўз ота-оналари бағрида эрка ва шўх, ўйинқароқ бўлиб, бошларини тик кўтариб, мағрур ўссинлар.

Абдували ОБИДДИНОВ.

Шогирд эҳтироми

АФАНДИХОННИНГ ЎҚИТУВЧИ ҚИЗИ

Бу табаррук инсон ҳақида мен даставвал онамлардан эшитганман. Онам менга ажойиб мураббия Муаттархон опа ҳақида, уларнинг оналари Собира ая ва оталари Афандихон ҳақида соатлаб гапирардилар.

Муаттархон опанинг оналари Собира аянинг қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар орасида катта ҳурматга эга эканликларидан, уларга ҳамма катта ойи дея мурожаат қилишини, оталари Афандихон эса моҳир тикувчи бўлганликларини ҳам мен онамлардан эшитганман.

Болалик эмасми, мен ажабланиб: «Ойи, нима учун Муаттархон опанинг оталарининг исми Афандихон?» дея сўрардим. Онамларнинг ҳикоя қилишларича, Муаттархон опанинг боболари Асомиддин Ҳожи мактаб ва мадраса кўрган, юрт кезган, жаҳонгашта олим бўлганлар. Туркияда таҳсил кўрганлар. Туркиядаги тартиб-қоида, одамлар ўртасидаги хушмуомалалик, бир-бирларини «Афандим, афандим!» дея иззат-иқром кўрсатиш у кишига таъсир қилган. Асомиддин Ҳожи Туркиядан қайтиб, оилали бўлганларидан сўнг тўнғич ўғилларининг исмини Афандихон, кейинги ўғилларининг исмини эса Аббосхон қўйганлар.

Асомиддин Ҳожининг иккинчи ўғиллари Аббосхон афанди мадрасада таҳсил олган, янгича хат-саводли бўлиб, 30-50-йилларда мактаб-маориф соҳасида катта хизмат қилган, тарих илмининг билимдони бўлган. Аббосхон афанди тарихий воқеаларни чуқур билган, айни пайтда ҳазилкаш ва қизиқ-қизиқ ҳодисаларни усталик билан баён қилиб, тингловчиларни кулдирувчи ширинсўхан суҳбатдош ҳам бўлган эканлар. Зотан, машҳур қизиқчилар Обидхон ва Собитхон Асомовларнинг эл-юрт орасида танилишида балки боболари Асомиддин Ҳожи ўғлининг руҳлари қуллаган бўлса, ажаб эмас.

Ҳозир фарзандлари, набиралари ардоғида умргузаронлик қилаётган Муаттархон опа умрларининг мазмуни Шайхонтоҳур туманидаги 13-ўрта мактаб билан боғлиқ. 1942 йили шу мактабни битириб, бошланғич синф муаллимаси, тарих фани ўқитувчиси, бош илмий бўлим мудири, мактаб директори вазифаларида хизмат қилдилар. Бир жойда 43 йилдан зиёд меҳнат қилиш, 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида катта жамоага бош бўлиш осон иш эмас, албатта.

Шу даврда опа аҳил, иноқ, ижодкор, болажон ўқитувчилар жамоасини шакллантирдилар. Опа тажрибали, идғор, ижодкор ўқитувчиларни авайлар, уларнинг иш тажрибаларини кенг ёйишга эътибор берардилар. Ёш, иқтидорли ўқитувчиларни доимо педагогик маҳоратларини ошириб боришга ундар эдилар. Ўқувчиларга таълим-тарбия беришдами, шанбаликлардами,борингки, ҳар бир ишда опа, энг аввало, ўзлари намуна бўлар эдилар. Опа ташаббуси билан мактаб ҳовлисига мевали дарахтлар, анвойи гул кўчатлари ўтказилган. Айниқса, мактаб биносини буг билан ситиш учун елиб-югурганларини айтмайсизми?! Опа бир иш кунида дунё-дунё вазифаларни бажаришга улгурар эдилар. Айни чоғда ўзгаларга ҳам талабчан раҳбар эдилар. Муаллимликка тасодифан келиб қолганларга у киши ўз вақтида йўл кўрсатарди. 1967 йили мактабимизда ёшгина аёл иш бошлади. У ўқувчилар билан тил тополмай, ишни уддалолмай анча қийналди. Опа эринмай унинг дарсини кузатдилар, ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қилдилар. Лекин натижа чиқмади. Маълум бўлишича, у «ўқитувчи» мактабда ишлаш енгил, 3-4 соат дарсингни берасан-у, уйга жўнайверасан, деган хаёл билан ишга келган экан. Опа бу аёл билан дилдан суҳбатлашдилар, натижада у бошқа соҳага ишга ўтиб кетди. Шундай синчковлик туфайлими, 50-80-йиллар давомида 13-мактабда шаҳарга таниқли, ўз ишининг устаси бўлган қатор машҳур мураббийлар меҳнат қилишган.

Самарқанд дарвоза даҳасида Муаттархон опани билмаганодам йўқ. Опа мактабдаги ҳар бир ўқувчининг уйи, кўчаси, ота-онаси, оилавий шароитини яхши биладилар. Ўқувчилар мактабни битириб кетганларидан сўнг ҳам уларнинг ҳаёти, тақдири билан қизиқар, қўлидан келганча уларга ёрдам беришга, йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракат қилардилар. Эҳ-ҳе, опа қўлида қанчадан-қанча ўқувчилар таҳсил олмади дейсиз! Опага собиқ ўқувчилар томонидан миннатдорчилик сўзлари битилган мактублар, табрик телеграммалари, тўйларга таклиф қоғозлари ҳамон келиб туради. Байрам кунлари уйлари қариндош-уруғ, дўст-биродар, собиқ талаба ва ҳамкасблари билан тўлиб кетади, ўзгача бир файз киради.

Опанинг собиқ ўқувчиси, ҳозирда пойтахтдаги 254-мактабнинг химия муаллими, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳамидулла Абдуллаев у киши ҳақида шундай дейди:

— Бизнинг болалигимиз урушнинг оғир йилларига тўғри келган. Уша пайтда бошланич синфда бизни Муаттархон опа ўқитар эдилар. Мактабда ҳар бир ўқувчига кунига иккитадан перашка-сомса тарқатилар эди. Бир куни бетоб бўлиб мактабга боролмай қолдим. Шу куниёқ қўлларида менга аталган иккита перашка билан уйимизга опа кириб келдилар. Гап нарсада эмас, албатта. Лекин шундай қийин пайтда мени, оддий бир ўқувчини ўйлаганлари — опанинг болажонлигидан, болаларга меҳри баландлигидан. Мен опадек зиёкор, болажон мураббий бўлишга айни ўшанда аҳд қилганман...

... Ҳар тонг 13-мактаб дарвозасига қадам қўяр эканман, менга ҳаётдан, қадриятдан сабоқ берган, ўқитувчилик касбининг сиру асрорларидан воқиф этган устозим Муаттархон опага хаёлан таъзим қиламан.

Осиё ҚАҲҲОРОВА.

МИЛЛАТ ҒУРУРИ

Тарих пиллапояларида ўзининг залворли, улуғвор қадамини соҳирона муҳрлаган улкан шахс Амир Темур нафақат Туронзамин халқларининг, балки бани башарнинг ҳам фахр мазмуни бўлиб янграмоқда. Орадан салкам VII асрга яқин вақт ўтибдики, ҳануз бу қудратли Соҳибқирон номи эзгулик истовчи дилларидан дилларга кўчиб келмоқда. Бизда улуғ бобомизнинг ватандоши, авлодлари эканлигимиздан беҳад виқорланамиз, кўксимизда тоғдай ғурур туямиз. Мана шу буюк зот таваллудининг 660 йиллигини муносиб нишонлаш учун республикамизнинг турли бурчакларида ҳар хил шодиёналар, тантаналар кенг ўтказилмоқда.

Жумладан, Тошкент давлат университети Маданият саройида бўлиб ўтган «Темур ва темурийлар даврида Туркистон халқлари маданиятининг ривожланиши» мавзусидаги анжуман ҳам шу қутлуғ санага бағишланди. Унда темуршунос йирик олимлар, журналистлар, талабалар ва барча қизиққанлар иштирок этишди. Дастлаб анжуманни академик Эркин Юсупов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг «Темурийлар давридаги фан ва адабиётнинг тараққий этиши» мавзусида филология фанлари доктори, халқаро Амир Темур мукофотининг лауреати Абдуқодир Ҳайитметов сўзлади. Халқаро ислом тадқиқотлари маркази мудири Абдуғани Абдуллаевнинг «Темур ва исломий тадқиқотлар» мавзусидаги ғоят мазмунли гаплари анжуман аҳлини тўлқинлантириб юборди. Бу ажойиб издиҳом иштирокчилари яна бир неча олим ва фузалоларнинг Соҳибқирон ҳақидаги турфа сўзларини эшитдилар. Барчанинг руҳи самовий ҳислар ила тўлиқ эди. Бундан буюк саркарда бобомизнинг руҳлари шод бўлган бўлса, ажаб эмас.

Озода БЕКМУРОДОВА.

УМРНИ ЕЛКАЛАГАН АЁЛ

Булоқ сувидек соф, мовий осмондек беғубор қалби олам-олам орзу-ҳаваслларга тўлиб тошган Насибахон ўзининг айни гуллаган 25 ёшлигини ёлғизлик ҳукмига бериб қўйган эди. Фарзандсизлик баҳонасида турмуш ўртоғи очиқдан-очиқ турли хил эътирозу гиналарни кўндаланг қўйганида, Насибахондек соддагина келинчакнинг бошига не-не маломат тошлари келиб тегмади, дейсиз. Аммо, барибир, яратганнинг хоҳишига иймон келтирмоқдан бўлак ўзга чораси йўқ экан инсоннинг...

Насиба Абдуллаева 1973 йил Қўқон давлат педагогика билим юртига кириб ўқиди ва бу орада ўз фаолиятини Бувайда туманидаги 42-мактабда давом эттирди.

У ҳар тонг шогирдларининг қувноқ даврасига ошиқаркан, энг аввало, уларга ўзининг ҳақиқий, ҳали биронта ҳам алла ичра сингмаган, ҳеч бўлмаганда бир жуфтгина қора кўзга-да насиб этмаган муштипар оналик меҳрини берди.

Маълумки, мактаб шароитида бошланғич синф муаллими маҳорати ҳар бир ўқувчи ички дунёсини чуқур ўргана билишда, қўлига қаламни эндигина тутган гўдак қалбига гўёки бола бўлиб кириб боришида намоён бўлади.

Обдон эътибор берилганда, Насиба опанинг дарс усули ҳам оддий. У доимо машғулотларни сермунозара, энг асосийси, қизиқарли йўсинда ташкил этишга интилади. Баъзан ўқув режасини ҳар томонлама ўта соддалаштира боришга тўғри келади. Ахир, ўқувчи саводхонлигини, унинг мурғак онгини тобора юксак даражада шакллантира билишнинг чек-чегараси бўлмайди-ку!..

Яхшиси, мактаб директори О. Асқарованинг сўзларига қулоқ тутинг-а: «Мен шахсан Насибахоннинг дарсларини кўп кузатганман. Ўқитувчи ҳар бир дарсда билим бераётгандек эмас, балки актриса сингари бирон-бир ролни ижро этаётгандек, ўқувчини ҳам бунга жўр бўлишга ундаётгандек туюлади менга. Насибахон кўргазмали қуролларга ниҳоятлик иштиёқманд эмас. Бунинг эвазига энг кичик мавзуни ҳам шундай усталик билан, табиатга, жонли воситаларга қиёслаб тасвирлайдики, беихтиёр: — «Аллома бўлиб кетинг-э», — деб юборгим келади. Ҳар чорак якунида Насибахон тасарруфидаги синфнинг ҳеч бўлмаганда 95 фоиз билим ва давомат ўзлаштиришига узлуксиз эришиб бориши эса фикримнинг аниқ исботи, деб айта оламан. Бу синфда тўполончи, ўйинқароқ, лоқайд болаларни учратиш қийин. Насибахон эса ҳар бир ўқувчи билан ўзаро муомалага киришган лаҳзаларда қандайдир ички дардни пайқайман. Бу дард эса унинг қалб қўри билан уйғунлашиб кетгани рост бўлса, ажаб эмас».

Қизиқ. Кўз очиб-юмгунча, 25 йил умр ўтди-кетди. Толмас муаллиманинг жуда кўплаб шогирдлари бу орада вояга етиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида элюртга сидқидилдан хизмат қилиб келишмоқда. Нафақат 42-ўрта мактаб жамоаси, балки туман педагоглари орасида юксак ҳурмат-эътиборга, айниқса, ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишдек буюк бахт Насиба опани ҳанузгача тарк этгани йўқ.

Олимжон ХАЙИТ.

УЙҒОНИШ

Япроқлар жилмаяр субҳи-содиқда,
Булутлар кўз ёшин қўксига тақиб.
Менга ҳамла қилар бокира ҳислар
Бодом гулларидан кўксимга оқиб.

Ғунчалар лабида ўзгача ибо
Ўриклар шоҳида чиройли исён
Табиат соз чалар, ўйнар қалдирғоч
Оламни забт этмиш фасли ҳаяжон.

Қайғадир ошиқар сарҳуш капалак,
Лола ўсма тортар силқитиб кўзни,
Оламда бир ажиб малоҳат, ишва
Бу азоб қийнамас қай юраксизни.

Сочларимни ўйнар ўйноқи еллар,
Юракка қуйилар ғулулар оқиб.
Қушиқ айтгим келар ялпиз ифорли
Дунёга айланган Заминга боқиб.

Алишер НАЗАРОВ.

Гўзаллик маёғи

Бу кўҳна Замин офарида бўлди. Барча жонзотлар чор тарафга сочиб юборилди. Шулар қатори умргузаронлик қилиш инсонга-да ҳидоят қилинди. У йўлга чиқди. Ҳаёт йўлига. Яшаш йўлига. Бани-башар-йўловчи...

Қишлоғимизда бир кампир бўларди. Ҳамма уни «Шайх она» деб атарди. Нигоҳлари ўткир, сўзлари кескир кампир эди. Тўй-маъракаларимизнинг маслаҳатисиз қилинмасди. Ҳаммасига у бош бўларди. Болалик наздимизда, ҳамма ундан қўрқарди. Бу «қўрқинч» сабабини бобомдан сўраганимда, «уруш пайтлари дуппидеккина қишлоғимизнинг юкини кўтарган» дегандилар. Аслида бу гапларнинг маъносини эсимни таниганимдан кейин тушундим.

Аёл кўзига синчковлик билан қараганмисиз? Унда одатий тароватдан ўзга кишига ҳалимлик бағишловчи яна бир нур бор. Бу — меҳр жилваси. Дунё бу жилва олдида бош эгади. Эмишки, ҳаёт чоҳдан иборат манзил. Одамзот меҳр ришталари ила банд этилган. Шу ришта узилса, у чоҳга йиқилади. Яна эмишки, гўдак кўнгли тош бўларкан. Она меҳри бу тош кўнгилни оинага айлантирармиш.

Меҳрга соғинч ва изтироб қоришиб, дардли нигоҳлар пайдо бўлади.

Уратепа шаҳрида «Мотамсаро она» ҳайкали бор. Ҳар йили Ғалаба куни бу ерда қатта митинг бўларди. Қизил галстуклар таққан ўқувчилар қатор тизилишиб турардик. Лекин негадир шу ҳайкални бирор марта ҳам кўнглимга яқин олмадим. Чунки... Чунки, унда эллик йилдан бери урушдан қайтмаган ўғлини кута-кута кўзлари кўр бўлиб қолган Гуласал момонинг кўзларини кўрмадим. Унда афғон урушидан қўлсиз-сёқсиз қайтиб келган ўғлини кўриб, бир кунда сочлари оппоқ оқарган Хосият холанинг изтиробини сезолмадим. Йигирма ёшида бевақт кўз юмган Зокирнинг дардида бўзлаб қолган аммамнинг армонларини уқолмадим. Йўқ, она дардини ҳеч кимга бермайди. У ўз дарди билан ўзи яшайди. Ўз дардини ўзи енгади. Аслида онанинг буюклиги ҳам шунда. Дунёнинг меҳвари эканлиги ҳам шунда...

Учинчи синфда ўқирдик. Мактабимизга Саодат опа деган янги муаллима келди. У бизга ҳам рус тилидан дарс бера бошлади. Саодат опа жуда гўзал аёл эди. Мен унга шунчалик мафтун бўлган эдимки, ҳатто тушларимга кириб чиқарди. Эртаклардаги маликалар Саодат опа тимсолида намоён буларди. Йўқ, бу муҳаббат эмасди, балки жажжигина қалбнинг гўзалликка, бинобарин, эзгуликка ташналиги эди. Орадан неча йиллар ўтди. Ҳали-ҳамон аёллар мен учун энг гўзал мавжудот бўлиб кўринади. Фақат... Фақат Саодат опа тимсолида...

... Бани башар — йўловчи. Ҳаётнинг сарбасар довуллари аро ҳув узоқда бир қатим нур йилтиллайди. Бу нур — Аёл. Бани башар маёғи. Гўзаллик, Эзгулик, Поклик, Маъсумалик маёғи!

Асқар ШОКИР.

ҚЎЛИ ГУЛ ОЗОДА

«Инсоннинг қўли гул» деган нақлнинг моҳияти нақадар чуқур! Деразадан тушаётган қуёш шуълаларида бир ҳовуч дур-гавҳардек товланаётган зардўзи дўппилар, кашталар, келинчаклар либосларига боқарканман, беихтиёр хаёлимдан ана шу ўй кечди.

Ноёб бу миллий либосларнинг ижодкори ўрта бўйли, буғдойранг, оддийгина ўзбек қизи эканига бир қарашда ишонгиси келмайди кишининг. Бир озгина қунт билан кузатсангиз тамоман ўзга ҳолнинг шоҳиди бўласиз. Озода игнаю «зер-зевар»ларини қўлига оларкан гоҳ кимёгар, гоҳ раққоса, гоҳ мусаввир, гоҳ нақкош қиёфасига киради. Шоирдек ўйга толса, ғоввосдек дуру садаф теради, уларни заргардек ипак қатига жо этади...

Қарабсизки, бир зумда каштага «жон» киргандек бўлади. Санъат даражасига кўтарилган ҳунар мўъжизаси асрий ўзбек миллий либоси бу! Ҳайрат лол этади...

Озодахон Расулованинг ҳаёт йўли мураккаб эмас. Мактаб — Андижон шаҳридаги 110-ҳунар-техника билим юрти — Шаҳрихондаги 2-ўқув ишлаб чиқариш комбинати — лицей. Халқ амалий санъатига ихтисослашган, «Мерос» номли халқ амалий санъати 4-лицейида иш бошлаганига эса 3 йилдан ошди.

Озодахоннинг фазилатлари кўп. Улар орасида жамоат ишларидаги жонкуярлиги алоҳида таъкидга лойиқ. У лицей хотин-қизлар қўмитаси раисаси, касаба уюшмаси фаолидир. Айни кунларда у миллий кийимлар фасони (модаси) бўйича кўрик-танловларга жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Шогирдларидан 11-»Г» синф ўқувчилари Маҳфузахон Абдулҳамидова, Наргизахон Шамсуддинова, Арофатхон Ҳасанова, Маъмурахон Абдуллаевалар-ни меҳр билан тилга олади. «Мен зардўзликнинг бухороча услуби бўйича малакаларимни оширмоқдаман, шогирдларим андижонча, шаҳрихонча услублар бўйича анъаналарни тиклаб, такомиллаштирсалар, ажаб эмас», — дейди у.

Лицейда ҳозир 26 шогирди бор. Зардўз чеварлар устаси уларнинг келажакда ўзидек нафақат устоз, балки миллий амалий санъатнинг таниқли ижодкорлари бўлишига умид билдиради.

Машраб РАҲМОНОВ,
олий тоифали ўқитувчи.

Назм дафтаридан

СИНТАКТИК ЭРТАК

Бежо бўлиб орзу тилаклар
Жонлангандмиш гапда бўлаклар,
Манмансираб ўшанда Эга,
Дебди: «Қадрим билмайсиз нега?
Синтаксиснинг улкан элида,
Керак бўлса она тилида
Жуда катта кучга эгаман,
Ҳаммангизни букиб эгаман,
Кундан кунга кучга тўляпман,
Ўзим Атов гап ҳам бўляпман,
Бир кўринсиб яна адашиб,
Юрибсиз-да менга эргашиб»,
Уни тинглаб нима ҳам десин,
Фақат чуқур хўрсинди Кесим,
Деди: «Бунга беролмам бардош,
Бўлакларга келсак мен ҳам бош,
Туҳматлардан қалбим доғланар,
Менга ҳам кўп гаплар боғланар,
Такаббурлик, манманлик нега?
Эсини еб қўйибди Эга».
Тўлдирувчи четда ўлтириб,
Дер: «Доимо уни тўлдириб
Юрар эдим гап, иборада
Хафа бўлдим мен бу борада».
Аниқловчи сўзлади йиғлаб:
«Ахир мен ҳам доим аниқлаб
Юрар эдим унинг сифатин,
Йўқотибди Эга иффатин,
Ҳўп мулойим ажойиб эди,
Жуда камтар ғаройиб эди.
Энди эса мағрур нафақат,
Такаббуру манман, бешафқат»,
Шу пайт бирдан сапчиб кетди Ҳол:
«Урганайлик бу ишни дарҳол,
Қандай ҳолда, қаерда, нега,
Қачон айтган бу гапни Эга.
Қандай сабаб бордир ё мақсад,
Билиш керак бўларни албат.
Қай миқдорда ва қай даража,
Кўзлаган у ишидан режа»
«Назаримда,—деди Кириш сўз,—
Афсус, фақат чекяпмиз афсус,
Шубҳасиз, биз ҳақмиз беғумон,
Аммо дардга бу эмас дармон.
Эҳтимолки, берсак бир жазо.
Эга ақли бўларди расо».
Яккаламоқ, ажратмоқ керак,
Эгани, — дер Уюшиқ бўлак.
Қушиб қўйди Дарак гап секин:
«Бизда ҳамма бириккан эркин.
Барчага ҳам бу таклиф ёқар
Эга томон муғомбир боқар.
Тўлиб кетган йўллар, йўлаклар,
Қочиб кетар гаплан бўлаклар.
Бирдан ҳамма, ҳамма йўқолди.
Синтаксисда бир Эга қолди.
Тилнинг барча бўлими ҳайрон,
Гаплар юрти бўлибди вайрон.
«Оҳ» дер Ундов, Сўроқ дер: «Нега?»
Ҳаммасига айбдордир Эга.
Эга қолган бир ўзи якка,
Тилдан кетар мантиқ, барака,
Гаплар гўё учсиз бир уқдир
Эгаси бор, кесими йўқдир.
Баҳор, деди, Эга қиш деди,
Субҳидам, тонг, шамол, иш деди,
Ишлатса ҳам бор қувват кучин,
Гапи гапга қовушмас нечун?
Қорни очгач, кириб дуконга,
Ҳамма зордир бир бурда нонга,
Ҳеч ким бер деб сўрай олмаган,
Ахир юртда Кесим қолмаган,
Гулбаҳорнинг яшиллигини,
Дўстларининг яхшилигини,
Айтолмайин Эга хўп ҳалак:
«Аниқловчи керакдир, керак!»
Эга билди дўстларсиз ҳаёт
Бўлар экан бирпасда барбод
Йиғиб-териб бор қувват-кучин,
Уртоқларин қидирмоқ учун,
Ҳ[illegible]нгли бўлиб қоронғу ва тор,
Ҳозирланар йўлга айбдор.
Йўл юрар у, анча йўл юрар,
Йўл юрса ҳам анча мўл юрар.
Чўлдан, тоғдан юғурар, чопар,
Дўстларини бир ғордан топар.
«Кечиринг» деб бир сўзни айтар,
«Кечиринг» дер у қайта-қайта
«Кечиринг» деб қандай ҳам десин,
Бунинг учун керак-ку Кесим.
Кўзларидан оқиб дув-дув ёш,
Кўз ёшлардан эриб кетар тош.
Яна гапга бирикар сўзлар.
Шунда айбдор бош эгиб сўзлар.
«Армондаман ўзим, —дер Эга,—
Хафа қилдим сизларни нега?
Жуда оддий менинг сўзларим,
Кечиринглар, бир гал дўстларим.»
Энди, уртоқ, — деди Ундалма,—
Утган ишга бунча қийналма.
Бахтимизга, — деди Кириш сўз,—
Яна ҳамма аҳил иноқ дўст.
Қушма гап дер:«Бахт шу беғумон
Бизлар хурсанд, ҳаёт чароғон.
Шудир бизнинг мақсад ва тилак.»
Кулиб деди Уюшиқ бўлак,—
Шу кулгуга тўлар йўлаклар
Бирикади Гапга бўлаклар.
Адоватнинг ипи узилар,
Фақат яхши гаплар тузилар
Бу эртакни айтдим мен нега
Ҳамма ҳам ўз ўрнига ЭГА»!

Кавсар ТУРДИЕВА.

Олтин сандиқ

Абу Исҳоқ Аҳмад ас-Ҳаолибий

ҲАВВО ОНАМИЗНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Тафсир соҳибларининг ҳикоя қилишларича, Оллоҳ-таоло Одамни жаннатга қўйибди. Лекин у ерда Одам Ато ўз жинсидан дўсти, улфати бўлмагани учун ёлғиз юриб сиқилар экан. Тангри таоло буни кўриб, уни ухлатиб қўйибди. Уйқуда ётганида чап томонидаги қовурғасидан битта кичкинасини олибди. Одам Ато ўзи билмаган ҳолда ҳеч қандай оғриқ ҳам сезмасдан ухлаб ётганида ҳазрат Ҳавво онамиз яралибди. Борди-ю Одам алайҳиссаломга бу ишдан бирор зиён заҳмат, ранж-алам етганида, у ҳеч қачон эр-хотинликка хайрхоҳлик (рағбат) қилмасди. Сўнгра Ҳавво онамизга жаннат либосларидан кийдириб, зебу-зийнат билан ясантириб, Одамнинг бош томонига ўтқазиб қўйишибди. Одам уйқудан уйғониб Ҳаввонинг ўтирганини кўрибди. Фаришталар уни синаш (имтиҳон қилиш) учун:

— Ёнингизда ўтирган кимдир? — деб сўрашибди.

— Аёл (хотин)дир, — дебди Одам.

— Исми ким? — сўрабди фаришталар.

— Исми Ҳавводир, — деб жавоб берибди Одам.

— Нима учун бундай исм бердинг? — дебди фаришталар.

— Тирик нарсадан яратилгани учун.

— Нима учун яратилди?

— Мен у билан, у мен билан кўнгилхушлик қилмоқ ва жаннатда яшамоғимиз учун яратилди.

Баъзи қиссаларда айтилишича, Одам алайҳиссалом Ҳаввони кўргач, қўл узатмоқчи бўлибди. Фаришталар унга:

— Э, Одам, ошиқма (шошилма), — дебдилар.

— Нимага? Ахир Оллоҳ-таоло уни мен учун яратган-ку, — дебди Одам.

Фаришталар:

— Унга маҳр бермоқ керак, — дебдилар.

— Маҳр ўзи нима нарса? — сўрабди Одам.

— Муҳаммад Мустафога уч карра салавот этмоқдир, — дебдилар.

— Муҳаммад ким?

— Сенинг зурриётингдан бўлиб, сўнгги, охир замон пайғамбаридир. У бўлмаса сен дунёга келмас эдинг, — дебдилар.

Ибн Аббосдан ривоят қилинишича, Ҳақ-таоло болани қиз қилиб яратмоқчи бўлса, у ҳали туғилмасидан олдин (онасининг қорнидалигида) инжу ва ёқутлар билан ясанган икки фаришталарни юборар экан. Бири боланинг боши узра қўлини қўйса, иккинчиси оёғига қўяр экан ва «Бисмиллаҳи рабин ва руббука, яъни менинг ва сенинг раббинг Оллоҳнинг номи билан», — деяр экан. Бу ожиза заиф нарсадан яратилгани учун уни қарамоғига олган одамга Оллоҳ қиёмат кунигача ёрдам берар экан.

Темур МУХТОР ва Малика НОСИР нашрга тайёрлаган.



Бизнинг ҳам байрам. **Р. Галиев сурат-лавҳаси.**

Тилимиздан бой тилимиз

«СОВЧИ»НИНГ МАЪНОСИНИ БИЛАСИЗМИ?

Ўзбек халқининг узоқ ўтмишдан ҳозирги кунимизгача сақланиб келаётган ажойиб ва хилма-хил урф-одатлари, расм-русумлари ва удумлари мавжуд. Ана шу урф-одатларнинг кўпчилик қисмини тўй маросимлари ташкил этади. Тўй маросимларининг ичида эса никоҳ тўйлари қадимий удумларни ҳанузгача сақлаб келаётганлиги билан алоҳида ўрин тутади.

Биз никоҳ тўйи билан боғлиқ удумлар ҳақида тўхталмоқчимиз. Никоҳ тўйи урф-одатлари орасида совчилик удуми алоҳида аҳамият касб этади. Совчи ёшларни қовуштириб, оила қуришга замин яратувчи кишидир. Хўш, совчи калимаси луғавий жиҳатдан нимани англатади? Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ёзилишича, совчи—этнографияга оид термин. Уйланувчи йигит томонидан қиз кўриш ва қиз томон розилигини сўраш учун вакил қилинган киши. («Ўзбек тилининг изоҳли луғати», II том. С—Х)

Совчи сўзининг этимологик маъноси (илдизи) нима?

Бир қарашдаёқ совчи сўзининг сов сўзи ва -чи аффикси орқали ясалганини билиб олиш мумкин. Аммо сов сўзининг луғавий маъноси нима эканлиги кўпчиликка маълум бўлмаса керак. Буюк тилшунос бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарида сов калимаси сав шаклида, қуйидагича изоҳланади:

1. Сав — оталар сўзи.
2. Сав — қисса, қадимги воқеалардан хабар бериш.
3. Сав — ҳикоя. Бирор воқеани айтиб бериш.
4. Сав — сўз, нутқ.
5. Сав — рисола, хат, кичик китобча.
6. Сав — илгариги хабарлар. Янгиликларни етказувчи.

(ДЛТ — III том. 168-169-бетлар). Бу ибора «хабар етказувчи» маъносида пайғамбарга нисбатан ҳам ишлатилади.

Юқорида Маҳмуд Қошғарийнинг сав (сов) калимасига турли ва умумий бир изоҳ берганлигини кўрдик. Бу изоҳларга қараб сав(сов) калимаси умумий маънода «сўз» маъносини беришини билиб олдик.

Шунингдек, М. Қошғарий савчи (совчи) калимасини изоҳлаб:

Савчи - келин ва куёв орасида бир-бирига хат-хабарлар элтувчи, (ДЛТ, III том, 169-бет) дейди.

Совчи калимасига оид маълумотлар «Девони луғатит турк» асаридан аввалги VII-VIII асрларда ёзилган Ўрхун-Энасой китобларида ҳам учрайди. Буюк давлат арбоби Тунюқуқнинг (VIII аср) битикдошида «сов» калимаси саб — сўз, лоф маъносида ишлатилади. Ирқ битиг (фол китоби)да эса саб—сўз, сабчи —хабарчи, сўз келтирувчи маъносида қўлланилади.

Умуман олганда, Ўрхун-Энасой ёдгорликларида «сўз» калимаси учрамайди ва унинг ўрнига саб (сов) калимаси ишлатилади. Демак, туркий саб(сов) калимаси асрлар оша «сўз» шаклини олган, дейишимиз мумкин. Шунингдек, эски туркчада «в» ундоши бўлмаганлиги сабабли «Сов» сўзи Ўрхун ёзувларида «саб», Маҳмуд Қошғарий замонасида эса «сав» шаклида айтилган. Ҳозирги ўзбек тилида эски туркча «а» унлиси «о» унлисига айланган ва қуйидаги ҳолат рўй берган: сабчи-савчи-совчи.

Ҳозирги замон туркий тилларнинг айримларида эски туркча сабчье ёки савчи калимаси сақланиб қолган. Туркияда туркча «савжи» калимаси мавжуд. «Савжи» — суд ходими, судья маъносида қўлланилади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, совчи термини узоқ тарихий ўтмишга эгадир.

Умид АҲМЕДОВ, Ғайбулла БОБОЁРОВ, Қарши давлат университети тарих факультетининг V курс студентлари.

ЯШАНГ, СОФИЯ ОПА!

Мен камтарин, очиқ чеҳрали бу аёлни кўпдан буён биламан. Бир неча марта суҳбатида ҳам бўлганман. Ҳар сафарги учрашувдан кейин қалбимда бир иликлик пайдо бўлади. Опанинг на ҳаётда, на фазилат бобида бошқа аёллардан ажралиб турадиган жиҳатлари деярли йўқ. Ҳаммаси эл қатори. Унинг таърифини уйлаганимда, даставвал, «дилбар ва назокатли аёл» деган ибора ҳаёлимдан ўтади.

София опа асли Самарқанд вилоятининг Мирбозор қўрғонида туғилиб ўсган. Болалигининг беғубор, энг ширин дамлари шу ғузал ва сўлим ғушада кечган. Оқтош шаҳридаги 32-ўрта мактабни битириб, Тошкент давлат медицина институтининг даволаш факультетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тугатди. У дастлаб Тошкентдаги Йўлдош Охунбобоев номидаги тиббиёт билим юртида лаборант, катта ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатди. 1987 йилдан буён мазкур билим юртида кечки тиббиёт — ҳамшира бўлимининг мудираси вазифасида ишлаб келяпти.

— Ўқитувчилик касбига (тиббиёт соҳасига демоқчи) ҳавас уйғотган отам Ризвар Сулаймонов, онам Мария Федоровнадан бўҳад миннатдорман, — дейди у. — Одамларга меҳр, касбга садоқат, ҳалолликни ҳам ўшалардан юқтирганман.

Бугунги кунда София Медведкова юзлаб шогирдларнинг меҳрибон устози. У қарийб 25 йилдан бери ўқитувчиликнинг салмоқли юкига елка тутиб, қўплаб ёшларни катта ҳаёт сари йўлламоқда.

— Бола тарбияси, мактаб ҳаёти ҳақида гап кетгудек бўлса, даставвал буюк файласуф Дантоннинг сўзлари бот-бот ҳаёлимга келавради, — дейди муаллима. — «Мактаб ҳам нондек азиз!» деган эди у. Ҳа, нон — тириклик манбаи, мактаб эса инсонни маънавият оламига етакловчи муқаддас даргоҳ. Ана шу тамал тоши орқали инсон одамийлик, инсоф, адолат, меҳру мурувват, илм-фан, маданият қучоғига қадам қўяди. Қалбида, беназир ҳис-туйғулар унади.

София Медведкович оилада меҳрибон она сифатида ҳам қадри ва ҳурмати баланд. Турмуш ўртоғи Николай Васильевич билан икки нафар фарзандни камолга етказди.

— Кўп йиллардан бери Софияхон фаолиятининг ҳар дақиқаси эл хизматида, ҳар сонияси билим юрти ташвишида ўтади. Камарбасталик, ҳалоллик, меҳнатвесарлик — Софияхон ҳаётининг фалсафаси шу, — дейди билим юртининг илмий бўлим мудири Шомурод Юнусов.

Биз ҳам ўз навбатида кўп йиллик умрини ёшлар тарбияси ва уларни билим чашмаларидан баҳраманд этишга бағишлаётган жонкуяр муаллимани 8-Март — меҳр-муҳаббат, садоқат, нафосат байрами билан чин дилдан қутлаймиз.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

АЖАБТОВУР ТОВУШЛАР

Шунақаси ҳам бўлади

Аёлларни ким сийламайди дейсиз. Ҳатто баъзи ишхоналарда байрам муносабати билан хотин-қизлар ўрнига эркаклар вахтада туриб ишлаб беришади. Оммалаштирса арзигулик ажойиб аёлпарварлик-а! Бугун бизнинг телефон рақами тегишли АТСда ҳам шундай воқеа содир бўлгани ростга ўхшайди. Телефон трубкасини кўтарсам нуқул ўзгалар гапини эшитаман. Аслида бировларнинг гап-сўзини эшитиш, айниқса, ошкор қилиш одобсизлик бўлса ҳам, баъзиларини ёзиб ола қолдим. Эшитинг-чи, балки сизларга ҳам ҳангомадек туюлар.

ҲАНДАЛАКНИНГ БЎЙИГА...

— Ало! Ало! Эшитаяпсизми? Термиздан Шодивойман. Радиоэшиттиришга муҳим хабар бор, ёзиб олинг. «Аёлларимизнинг байрамига табиат ҳам ўз қўркини ҳадя этди. Шерободда бодомлар оппоқ гуллади»...

— Тўхтанг, Шодивой, тўхтанг, ҳовлиқманг! Шу ҳам янгилик бўлдими? Мана, биздаги янги хушхабарни эшитинг. «Байрам арафасида осма полиздаги бодринглар етилиб, урчуқдек-урчуқдек бўлди, помидорларга ранг кирди, ҳандалаклар турлади... Бу табиат инъомларининг дастлабки ҳосилини мактаб ўқувчилари эрта-индин узиб, устоз муаллимларининг байрам дастурхонига тортиқ қилишади».

Шодивойнинг узуқ-юлуқ товуши эшитилди:

— Ия, Тошкентда ёз бошландими?! Товба!!!

Бу хаяжонли товушга қўшиқ уланиб кетди:

Ҳиди келса, маст бўлайлик,
Ҳандалакнинг бўйига...

ҚАЙМОҚ ЕГАНИ КЕЛИНГ

— Ало! Бойжоновмисиз?

Бу товуш телефонимда учинчи бор такрорланиши эди. Энди қойиб берай деб тургандим, бошқа товуш жавоб бериб қолди:

— Ҳа-ҳа! Бойжонов эшитади.

— Мен Миркаримман. Ўтган куни учрашган эдик-ку, танидингизми?

— Танидим, танидим. Нима бўлди? Шубани кеннойимга оладиган бўлдингизми? Бошқа харидорлар ҳам чиқиб қолди.

— Шу десангиз, кеча гузардан ўтиб бораётсам Салимполвон сигир етаклаб кетаётган экан. «. «Йўл бўлсин, полвон ака», — дедим. «Бозорга», — деди. «Сотганими?» «Ҳада. Зарур бўлиб қолди, уғлимни уйламоқчиман. Қурғур зотли эди», — деб хўрсинди ва: «Нотанишга кетадиган бўлди-да, бу баччагар. Нақ говмиш эди, янги туққан».

Силтаниб бораётган сигирга, унинг ортидан алпанг-талпанг юраётган қашқа бузоқчага тикилиб турдим. Раҳмим келдими ёки ҳавасим келдими, «Менга сотиб қўя қолинг», дедим. Салимполвон рози бўлди. Жонибек қассоб баҳо қилиб берди...

— Э, гапни чўзвордингиз, Миркарим ака, шубани оласизми, йўқми?

— Пул сигирга кетиб қолди-да...

«Тиқ» этган товуш эшитилди. Гап тугамасданоқ Бойжонов телефон трубкасини қўйиб қўйди чамаси. Лекин буни пайқамаган Миркаримнинг товуши эшитиларди:

— Сигир янгангизга ҳам ёқди. Нақ говмиш экан. Ҳар куни уч маҳал соғяпти. Челак-челак сут-қатиқ. Нонуштага қаймоқ тайёр. Ҳа, айтмоқчи, қаймоқ егани келинг. Яна бир илтимос, дуконингизда яхши духийдан бўлса, олиб қўйинг. Кечқурун ўтаман. Жуда зарур. Ахир кеннойингиз қўйлагидан тезак ҳиди келадиган бўлиб қолди. Зора, духи аритса. Ҳа, айтмоқчи, келганингизда гаплашамиз, янаги йилга кеннойингизга сувсар шуба топиб берасиз. Совғамисан, совға бўлади-да! Ҳа, нега индамайсиз. Ало!..

ҲАЖ САВОБИ

Телефон қўнғироғи жиринглади-ю, уни кўтарганимда тоға-жияннинг суҳбати бошланганини пайқадим.

— Эшитяпман, тоға, эшитяпман.

— Уқиб ол, жиян, Қодирхон поччамнинг ўзларига ҳозироқ бориб тайинла, «Иссиқхона»да очилган гулларнинг бирортасини ҳам бегонага арзон-гаровга сотиб юбормасинлар. Гулларни сотиб, ҳажга боришга пул тўплайман, деяётган эдилар. Ҳозир гул чаққон, ҳар донаси 20-30 сўмга чиқди. Ўзим сотиб бераман. Ҳаммасини узиб тайёрлаб қўйсинлар. Эрталаб самолётда учиб бораман. Уқдингми?

— Тоға, уқдиму, лекин.

— Нима лекин...

— Отамлар гулларни мактабга совға қиладиган бўлдилар.

— Нима? Шунча гулни-я?!

— Ҳа, ҳамма очилганини. Чинни гулларни ҳам, атир гулларни ҳам.

— Мактабга неча пулга сотдилар?

— 600 дона гулни текинга бераман. Аёлларни кўнглини шод айлаган киши ҳаж савобини топаркан, дедилар.

— Эҳ, жиян, бўлмабди. Бу Қодирхон поччам эшак мия еганмилар ёки...

Тоғанинг товуши бўғилиб қолдими ёки бирдан тарвузи қўлтиғидан тушдими, ҳар ҳолда телефондан титроқ чўзиқ «А...» товуши эшитилиб турди.

Маҳкам РАҲМОНОВ.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР БОШЛАНДИ

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти вилоят кенгаши билан биргаликда 1996 йилги спорт мавсумини бошлаб юбордилар.

Оммавий-соғломлаштириш спорт тадбирлари билан бошланган вилоят «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақаларининг ярим финал ва финал учрашувлари 8-9 февраль куни Жиззах шаҳрида бўлиб ўтди. Бу мусобақаларда вилоятнинг тўртта — Бахмал, Зомин, Зафаробод ва Жиззах тумани ўқувчилари иштирок этишди. Қизиқарли ўтган ярим финал учрашувларидан сўнг икки жамоа — Жиззах ва Бахмал тумани вакиллари финалда ўзаро учрашишди. Вилоят халқ таълими бошқармасининг совғини учун ўтказилган бу мусобақаларда Жиззах туманидаги 13-ўрта мактаб жамоаси ғолиб бўлди.

Вилоят ХТБ бошлиғи Б. Шарипов, республика «Меҳнат резервлари» КСЖ Марказий кенгаши раиси М. Ҳайдаровлар ғолибларни табриклаб, уларга ўқишда ва спортда катта зафарлар ёр бўлишини тиладилар.

Бу тадбирлардан ташқари республика Халқ таълими вазирлиги ва «Меҳнат резервлари» КСЖ Марказий кенгашининг «БЎСМ тарбияланувчилари ўртасида ёшлар ўйинларини ўтказиш тўғрисида»ги қароридан сўнг вилоят БЎСМ тарбияланувчилари ўртасида спортнинг 10 тури бўйича биринчиликлар ўтказиш ҳам режалаштирилди ва биринчи мусобақалар бошлаб юборилди. Спортнинг эркин кураш тури бўйича ўтказилган вилоят БЎСМлари биринчилигида 6 та жамоа иштирок этди. Мусобақада вилоят ХТБга қарашли БЎСМ курашчилари ғолиб чиқишди ва республика биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

С. ТУРСУНМАТОВ, «Меҳнат резервлари» КСЖ Жиззах вилояти кенгаши раиси ўринбосари.

«АДАБИЙ ҚАҲРАМОНЛАР» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Азиз муштарий! Қуйида таърифланган бадиий ва санъат асарлари қаҳрамонларини шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига ёзиб машқни ҳал этинг.

1. Тоҳир Маликнинг «Сўнгги ўқ» қиссаси. 2. Миркарим Осимнинг «Тумарис» тарихий асари. 3. Тагорнинг «Ҳалокат» романи асосида яратилган «Ганг дарёсининг қизи» фильми. 4. Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари. 5. Тожик адиби Сотим Улуғзоданинг «Фирдавсий» романи. 6. «Тўйлар муборак» бадиий фильми. 7. «Сен етим эмассан» фильми. 8. Ўткир Ҳошимовнинг «Инсон садоқати» пьесаси. 9. Шуҳратнинг «Олтин зангламас» романи. 10. Ғафур Ғуломнинг «Ёдгор» повести. 11. Ойбекнинг «Навоий» романи. 12. Шекспирнинг «Гамлет» трагедияси. 13. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» пьесаси. 14. Ш. Бошбековнинг «Темир хотин» пьесаси. 15. «Суюнчи» бадиий фильми. 16. Уйғуннинг «Парвона» драмаси. 17. Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи. 18. О. Ёқубовнинг «Диёнат» романи. 19. Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони» ҳажвий асари. 20. Мумтоз шоир Дурбек достони. 21. «Маҳаллада дув-дув гап» фильми. 22. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи. 23. Ватанпарвар ва қаҳрамон аёл тимсоли гавдалантирилган ўзбек халқ достони. 24. Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» драмаси. 25. Чўлпоннинг афсонавий томоша асари. 26. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони. 27. «Тошболта ошиқ» мусиқали комедияси. 28. Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик» романи.

МУАММОНОМА

Аввал қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. «Она Ҳиндистон» фильмида бош қаҳрамонни гавдалантирган таниқли ҳинд кино санъаткори — 2, 1, 6, 20, 9, 13.
2. «Меҳробдан чаён» романи қаҳрамони — 6, 1, 17, 2, 3.
3. «Кеча ва кундуз» романи асосида саҳналаштирилган видеофильм қаҳрамони — 18, 8, 4, 9.
4. Шарқда машҳур бўлган ишқий саргузашт мазмунидаги асар — 12, 10, 12, 9, 2, 3, 15, 1.
5. «Муқимий» мусиқали драмасидаги санъаткор Эътибор Жалилова ижросидаги аёл образи — 3, 4, 9, 19, 1, 7, 3, 2.
6. Хоразмда машҳур бўлган халқ достони қаҳрамони — 16, 3, 5, 13, 1, 2, 1, 9.
7. «Гул ва Наврўз» мусиқали драмаси қаҳрамони — 13, 1, 11, 13, 1, 2.
8. Баҳор гули — 14, 3, 14, 1.

Жавоблар асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Бунда ҳинд халқининг нодир асари «Маҳобҳорат» (таржимон Амир Файзулло) ҳикматларидан бири аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

КАЙВОНИЙЛАР

Тўй-томошаларда кимлар асосан даврани қизитадию, кайвонийлик қилишади, деган саволга бемалол муаллималар десак адашмас эканмиз. Бунга ўтган ҳафта пойтахтнинг Собир Раҳимов туманига қарашли мактаблар ва болалар боғчалари жамоалари ўртасида бўлиб ўтган «Ёр-ёр» кўрик-танловни томоша қилиб, ишонч ҳосил этдик. Улар ёр-ёр, келин салом, меҳмон кутиш, алла каби шартларни қойилмақом қилиб уддалашди. Мусобақанинг бузиб бўлмас анъанасига кўра бу ерда ҳам ўринлар белгиланди. «Ўлоқ» 249-мактаб жамоасида кетди. Энди улар кайвоний ҳамширалар, саноатчилар ва бошқа касб эгалари билан туман биринчилиги учун беллашишади.

Мухбиримиз.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси Муҳаммадали Қодировга отаси

АҲМАД ака

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти, фан ва халқ таълими ходимлари шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси, туман халқ таълими бўлимлари, педагогик жамоалари шаҳар халқ таълими бош бошқармасибошлиғининг муовини Э. Х. МАҒДИЕВга падари бузруквори

ҲОШИМ ОТА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Жўрақул Искандаров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0141. Тиражи 39710. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6